



А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ
**БУХОРО ШАҲРИ •
• 2500
ЁШДА**

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ

БУХОРО ШАҲРИ-2500ЁШДА

(АРХЕОЛОГИК ЛАВҲАЛАР ВА ТАРИХ)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1998

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига багишланган ушбу рисебада археологик маълумотлар, ёзма манбалар ва Бухоронинг қадимги номларининг этиологияни таҳдиди асосида Зарафон воийисининг қўйи қисмида қад кўтарған Турон—Туркистоннинг энг қадимги шаҳарларидан бирни Бухоронинг найдо булиши ва унинг ривожланиш тарихи хикоя қилинади. Бу ўлкада шаҳар маданиятиниң шаклланиши, қадимда Бухоро уринда дастлабки найдо бўлган деҳқончилик ва ҳунармандчилик қишлоклари ва уларниң туташиб, ягона шаҳарга айланниши илк шаҳарнинг тарихий топографияси тасвирланади.

Рисола кенг китобхонадар оммасига мулжалланган

Тақризчилар:

Ўз РФА мұхбир аъзоси, тарих фанлари доктори
К. Ш. ШОННЕЗОВ, тарих фанлари номзоди Ж. МИРЗАЛАҲМЕДОВ

M 0504000000—3-276(98)
M1355(04)-98 Рез. 98

ISBN 5-648-02571-8

REESTR N c/59

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» националти, Музейларни кўллашиб қувватлаш Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси, 1998 й.

МУҚАДДИМА

Бухоро — асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва дину эътиқод марказларидан бир сифатида жаҳонга донги кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотиқ, маданий алоқалар жиҳатидан Турону Туркистонинг машҳур Балҳ, Ҳирот, Марв (Марий), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши), Чоч, Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) шаҳарлари қаторидан жой олади.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароунаҳрининг йирик савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маъмурӣ марказларидан бири бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий ҳалқаро савдо йўли — «Буюк ипак йўли» ана шу шаҳар орқали ўтган. Машҳур жаҳонгирларнинг зафарли юришларида харб йўли сифатида ҳам хизмат қилган. Шубҳасиз бу қадими карвон йўли орқали фақат қатор-қатор савдо карвонларни ўзга юрт элчилари ёки сайдёхлару дарвешларгина машққатли, узоқ йўл азобини чекиб қолмай, балки гоҳ мағрибу машриқдан, гоҳ жанубу шимолдан Бухорага томон қўшину лашкар тортган жаҳон фотиҳлари бу муқаддас қўхна шаҳарнинг бошига не-не фожеаларни солмаган, дейсиз. Шунга қарамасдан Бухоро илк ўрта асрларда ёқ қадимги Турон замини — Туркистонда, Эрону Шом каби Яқин Ўрта Шарқ мамлакатларида илмфани, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланисиб, бу шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ривож топган (табобат, фиқҳ, тарих, фаровиз, риёзиёт, хандаса, илми иужум (астрология), илми аруз (поэтика) ва ҳ.к.). Бу ерда ўз даврининг машҳур мутафаккир олим ва адилари (Номон ал-Бухорий, Абу Али иби Сино, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Ҳўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар) яшаб, ижод этган. Турли даврларда бино қилинган ўнлаб мадрасаларда минглаб талабалар илм олган. Мирзо Улугбек томонидан XV асрда қурдирилган мадраса дарвозасига ҳатто «Илм олиш ҳар бир му-

сулмон аёлу эркакларининг «бурчидир» деган сўзлар ўйиб, битилган.

Асрлар давомида Бухоронинг доиғи бутун Шарқ бўйлаб фақат илму маърифат, маданият ҳамда савдо-сотиқ соҳасидагина эмас, балки Туркистоннинг йирик маъмурӣ маркази сифатида ҳам таралиб келган. Тарихда бу шаҳар Қўйи Зарафшон улкасининг қадимги ҳокимлари — Бухорхудотлар (I—VIII аср), Шайбонийлар хонадони томонидан барни этилган Узбеклар давлати — Бухоро хонлиги (XVI аср), Аштархонийлар (XVII—XVIII аср), Мангитлар (XIX—XX аср боши) томонидан идора этилган Бухоро амирлиги ҳамда Бухоро Ҳалиқ Республикаси (1920—1924 йил) нинг пойтахти бўлган.

Уз тарихи жараёнида Бухоро Мовароунихаҳ ва Хоразмда қад кўтарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташқи душман ҳужумига бардош берган, истилочилар асоратига тушиб, қонли жанглар майдонинга ва озодлик қўзғолонлари марказига айланган. Инқирозга юз тутиб, вайрон бўлган, бироқ ўз жойидан бир қарич ҳам силжимай қайта-қайта тикланиб, обод бўлган.

Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса шаҳарнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда мутлақо учрамайди. Бухоро ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги Юнон ва Рим муаллифларининг асарларида тилга олинса-да, бироқ уларда асосан шаҳар ҳақида эмас, балки улкан Суғднинг ғарбий чекка улкаси устида сўз юритилган. Бу шаҳарнинг қисқача бўлса-да аниқроқ тасвири илк ўрта аср Хитой манбаларинда келтирилади.

Улкан кўҳна Шарқнинг дину эътиқод, илм-фан ва маърифати бобида ўзининг қўшган салмоқли ҳиссаси түфайли илк ўрта асрлардаёқ «Куббатул ислом», «Бухорон шариф» каби сифатлар билан мусулмон оламида шуҳрат топган бу кўҳна шаҳарнинг ёши яқин-яқин кунларгача «сир» бўлиб келди. Бизнинг давримизгача аниқ фактик маълумотларнинг етиб келмагани сабабли муаррихлар Бухоро шаҳрининг ёши ҳақида бирор қатъий фикрни дадил айти олмасалар-да, бухоролик ташаббускорлар Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли китобида келтирилган айрим ривоятарини асос қилиб олиб, бу ерга келган саёҳатчиларга: «Шаҳримиз уч минг йилдан зиёд тарихга эга», деган маълумотни уқдириб келишди. Шубҳасиз, «Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас, балки энёдроқдир» деган сўзлар замири-

да ҳам мантиқ бор, албатта. Чунки оташин ватанпарвар бухоролик дүстларнинг чин юракдан айтган бу нидоларида мұғтабар шаҳар Бухоронинг узоқ үтмиши борасида күпчиликнинг дилига тугилған фикр ва мулодазалар ҳамда улар билан узвий боғланиб кетған орзу умидлар барқ уради. Бундай сұзларин айтувчилар ҳам таҳсилларга лойиқ. Бироқ ҳаққоний тарих асл манбалардан өлинганды ва ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилиб, илмий таҳлил қилинганды да лил да исботларга суянади. Акс ҳолда у афсона ёки ҳикояга айланиб қолади.

Шундай экан, Х асрда яшаган вобкендлик муаррих Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номлы китобида Бухоро ҳақидаги маълумотлар ва шаҳарнинг ёши борасида күрсатылған рақамлар қанчалик асослы, уларниң таснифу таҳлили, асли манбаларининг сарчашмасы қаерда ҳамда бу масалага бироз бұлса-да ойдиппелек киритиш мақсадида яна қандай да лиллар билан уларни түлдириш мүмкін? — деган саволлар үз-үздін пайдо бўлди.

БУХОРОНИНГ ЁШИ ҲАҚИДА Ҳ АСР МУАРРИХӢ

Бу борада аввало шуни қайд этиш жонзким, Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби даставал араб тилида ёзилган бўлиб, у 1128 йилда фаргоналик муаррих ва таржимон Абу Наср Аҳмад Қубовий томонидан қисқартирилиб, форс-тожик тилига ағдарилиган. Таржимонининг таъкидлашича «Мұхаммад иби Жаъфар Наршахий бу фаслини (яъни Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши ҳақидаги бобни — А.Р.М.) ўз китобида келтирмаган»¹. Абу Наср Аҳмад Қубовийнинг ёзишича, бу боб ўрта аср муаллифи Абулҳасан Нишопурининг бизгача этиб келмаган «Ҳазони ӯл-улум» («Илмлар ҳазиналари») номли асаридан олингган ва Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарига таржимон томонидан илова қилинган. Бу бобда Бухоро шаҳри тарихи тўғрисида ҳикоя қилинар экан, Абулҳасан Нишопурий сўзини аввал Бухоро воҳасининг пайдо бўлиши, унинг қадимги умумий манзараси (ландшафти), сув тармоқлари (гидрографияси), жонли табиати, аҳолисининг бўлажак Бухоро шаҳри ўринига қайсан томондан кўчиб келиб ўриашгани, овчилик, балиқчilik ва деҳқончиликнинг касб этилиши каби ҳам жуғрофий, ҳам тарихий жараёнларининг умумий манзарасини бир-бирига узвий бөгланган тарзда моҳир мўйи қалам соҳибидек тасвир этади. «Ҳар томондан одамлар йигилиб, — деб ёзади Нишопурий — у жой (Бухоро — А.Р.М.) обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган (жониворлар) кўп бўлганидек, кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар... Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган

¹ Абу Бакр Мұхаммад иби Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Фан, 1986. 13-бет.

Зди. Нур, Ҳарқонруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Испоналар уша қишлоқтар жумласидандир»².

Бухоро шаҳрининг бино қилинши тарихига гуҳтадиган бўлсақ, «Бухоро тарихи» китобида бу түгрида келтирилган яна бир муҳим воқеа айниқса эътиборга сазовордир. Унда қадимги аҳоли тамонидан Бухоро ҳудудининг қандай йўсунда ўзлаштирила бошлангани тасвирланаар экан, булажак шаҳар ўрнида илк бор амалга оширилган дастлабки қурилиш ишларининг тарихий манзараси жуда аниқ ифодаланади. Асар матнида баён этилишича, булажак Бухоро ўрнига дастлаб кўчиб келиб ўрнашган аҳоли аввал «чодир ва ўтовларда туарар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йигилишиб иморатлар қурдилар»³ — деб, таъриф этилади.

Абулҳасан Нишопурӣ Бухоро шаҳари арки қурилишини қадимий Эронининг афсонавий шаҳзодаси Сиёвуш номи билан боғлаган: «Сиёвуш иби Кайковус ўз отасидан қочиб Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкини ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вақтинча бериб қўйилган жой эканлигиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт уша жойда туарар эди. Кимлардир у билан Афросиёб уртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдириди ҳамда ана шу ҳисорга шарқий дарвозадан кираверишда «Дарвозайи гурнён» деб аталган сомонишурушлар дарвозасининг ичкарисига дафи этди»⁴.

Наршахийнинг ҳикоя қилишича, Сиёвуш ўлдирилгач, унинг ўғли Қайхусрав отасининг хунини талаб қилиб, кўп лашкар билан Бухоро вилоятига юриш қилиб келган. Афросиёб Ромитан қалъасига ўрнашиб олиб, ўзини ундан муҳофаза қилган. Натижада Қайхусрав икки йил давомида Ромитан қалъасини қамалда ураб турган ва унинг рӯбарўсига Ромуш қишлоғини бино қилган. Ниҳоят орадан икки йил ўтгач, Қайхусрав Афросиёбни ўлдирган. Туроннинг бу буюк афсонавий ҳукмдори Бухоронинг Маъбад дарвозаси яқинида жойлашган Хожи имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига дафи этилган. «Бу

² Ўша асар. 15—18-бетлар.

³ Ўша асар. 16-бет.

⁴ Ўша асар. 28-бет.

таплар бұлғанига, — деб ёзилған Наршахий асарида, — ҳозир уч минг йылдан ортиқроқ вақт үтди»⁵.

Бухоронинг ёшига онд бундай сана Наршахий томонидан китобининг яна бошқа саҳифаларида ҳам қайд этилади. Хаср муаррихи ёзишича, Сиёвуш шахид булиши муносабати билан Бухоро аҳли унинг үлдирилиши ҳақида ажойиб марсиялар тұқышған. Мусиқачилар бу мотам құшиқлари — гиляларни «Кини Сиёвуш» — «Сиёвуш жангы» деб аташған. Наршахий бу воқеалар содир бұлғанига «уч минг йил үтган» деб иккинчи бор қайд этған⁶.

Шундай қилиб, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида келтирилған ривоятларға қараганда, Бухоро ва Ромитан Афросиёб, Бухоро арки Сиёвуш, Ромуш қалъасы эса Сиёвушнинг үгли Кайхусрав томонидан бино қиалинған экан. Шу билан бирга, бу подир ёзма манбанинг иккى ерида күреатылған саясалар тұғриенідеги рақамларни агарда дағыл сифатида тақсил этиб, холоса қилинадиган бұлеа, Бухоро арки ҳозирғи кунда тұрт минг (4000) йылдан ошиқроқ вақт шығары қурилған булиб, Бухоро ёши бухоролик биродарлар ҳамиша таъкидлаб келганидек уч минг (3000) йил әмас, балки тұрт минг (4000) йилға теңг бұлып чиқади.

Модомиқи, Бухоронинг пайдо бұлған вақты ҳақида сүз борар экан, Наршахийнинг ушбу китобида келтирилған шу масалага донир яна бир мұхым маълумотта әзтибор берайлар. Үнда Бухоро ҳали шаҳар сифатида шаклланмаган, аммо әндигина, юқорида қайд этилған айрим қишлоқтар пайдо бұлған давр тасвирланиб шундай бағыттың этилади: «Халқ күпайға, бир кишини сайлаб амир қылдылар, уннинг номи Абрүй эди»⁷. Бу маълумотта қараганда Бухорога илк бор ҳукмдор бұлған Ҳокимининг иеми шарифи Абрүй бұлған. Дархакиқат, Абрүй Афросиёб ёки Сиёвуш каби ағсанавий әмас, тарихий шахс. Тарихдан маълумки, у VI асрининг 80-йиллары бошыда йирик мұлакдорларға қарши Пойқанд шаҳрида күтарилған халқ құзғолонинга бошчилек құлған. Құзғолон оқибатыда пойқандлик мұлакдорлар шаҳардан қувиб юбилиб, шаҳар Абрүй бошлиқ камбагал кадиварлар — қишлоқ аҳли құлғига үтган.

Құзғолонни бостириши учун Бухоро ва пойқандлик мұлакдор дәхқонылар Түрк хоқондиги ҳукмдори Қора-

⁵ Ұша жойда.

⁶ Ұша асар. 24-бет.

⁷ Ұша асар 16-бет.

чүринга мурожаат қылганлар. Ҳоқон ўғли Шерикишвар бошлиқ катта лашкарни Бухорога юборган. Қўзғолон бостирилиб, милодий 586 йилда Аброй ўлдирилган. Наршахийнинг гувоҳлик беринича, Шерикишвар Бухоро шаҳристонини ҳамда Мамостин, Сақматин, Самтин ва Фароб қишлоқларини бино қылган⁸.

Бинобарин, Наршахийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлеак, Бухоро ёши 4000 ҳам, 3000 ҳам эмас, балки 1100 йилдан сал ошиқроқ бўлиб чиқади. Келтирилган рақамлар шунин кўрсатадики, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли китобида Бухоронинг ёши ҳақида бирин иккинчиисига зид иккى хил сана: 4000 ва 1400 йил қайд этилади. «Хуш, рақамларнинг қай бирин тўгри, улардан қайси бирини асос қилиб олиш мумкин?»—деган ҳақти саволлар туғилади. Гарчи бундай саволларга асосли жавоб топиш ҳозирча бирмунча мушкул бўлса-да, аммо бу борада Бухоронинг ёши 3000 дан ошиқ деб баралла айтиб келганлар наҳотки Наршахийнинг бу маълумотларига эътибор бермаганлар, деган мулоҳаза кишини хайратлантиради. Шу боисдан бу ўринда Наршахийнинг Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақидаги яна бир маълумотини бухоролик дўстларимиз диққатига ҳавола қилмоқчимиз. «Бухоро тарихи» китобида шаҳар атрофида қад кўтарган айрим қишлоқлар тўгрисида сўз юритилганида улардан Вардона, Варахша, Пойқанд, Ромуш ва Ромитан каби йирик қишлоқлар «Бухородан қадимироқдири»⁹, деб такидланади. Наршахийнинг ёзишича Вардона катта қишлоқ бўлиб, куҳандиз (арқ)га, катта ва мустаҳкам ҳисор (ички шаҳар)га эга бўлган. У қадим вақтлардан подшоҳларнинг турар жойлари бўлган. Вардона Бухоро шаҳридан қадимроқ барпо бўлган. Уни Сосонийлар сулоласи шаҳзодаларидан бўлган Шопур — Ҳусрав I (531—578) бино қылган у Туркистоннинг чегарасида жойлашган¹⁰. Вардонанинг харобалари тепа шаклида бизнинг давримизгача сақланган. Ҳозирги вақтда у Курғон Вардонзе номи билан машхур. Шундай қилиб, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида «Бухородан қадимроқ» деб тилга олинган Вардона қалъасининг бино қитинини даври ҳам милодий VI асрга тўгри келмоқда.

Китобда қандай этилишича Вардонадан ташқари, Ва-

⁸ Ҳаша асар. 16—17-бетлар.

⁹ Ҳаша асар. 22—25-бетлар.

¹⁰ Ҳаша асар. 22—23 ва 95-бетлар.

рахша билан Пойканд ҳам подиоҳларнинг қароргоҳи бўлган. «Подиоҳ туралиган катта қишлоқ Бойканд — Пойканд эди. Шаҳар «Қалаи Дабусий — «Дабусий қальаси» бўлиб, шаҳар деб шуни айтар эдилар». Шунингдек, «баъзи китобларда Ромитани «Бухоро леб атаганлар» деган маълумот ҳам келтирилади. «Бу қишлоқ қадим вақтларда подиоҳларнинг турар жойлари бўлган. Кейинроқ эса Бухоро шаҳри бино бўлганидан кейин, подиоҳлар қиши фаслидагина бу қишлоқда туралиган бўлганлар. Бу ерлар Ислом давлатига ўтганда ҳам шундай бўлиб турган», деб таърифланади.¹¹ Наршахийнинг бу маълумотлари таҳлил қилинар экан, эҳтимол қўргони Ромитан қадимда ҳақиқатдан ҳам Бухоро деб юритилгандир деган фикр туғтиши табиийдир.

Хуллас, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли асарида Бухоро шаҳарининг ёши ҳақида қайд этилган саналар, шунингдек, Бухоро вилоятида Бухородан қадимроқ леб тилга олинган Вардана, Пойканд, Ромитан, Варахша ва Ромуш каби йирик қишлоқлар қачон ва ким томонидан бино қилингани тўғрисида анча-мунча қизиқарли маълумотлар келтирилса-да, аммо уларга берилиган тағсилотларнинг аксарияти ривоятларга асосланган, бирин иккинчисига зид. Шубҳасиз, биз бу ўринда Бухоронинг X аср муаррихи ахборотларини шубҳа остига олиб, асар қимматини камситмоқчи эмасмиз. Чунки Наршахий ва унинг таржимонлари Абу Наср Қубовий ҳамда Муҳаммад иби Зуфарлар, гарчи воқеаларнинг тадрижий ривожини холисона тўғри талқин этсалар-да, аммо ўзларидан бир неча минг йил муқаддам содир бўлган тарих тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмаганлар. Бу шубҳасиз, албатта. Шу боисдан Бухоронинг қадимги тарихини баён этишда улар ўз замонларида ҳалқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган ривоят ва афсоналарни асос қилиб олганлар ва улардан далил сифатида кенг фойдалангандар.

Шу тариқа Бухоронинг ёши ҳақида «Бухоро тарихи» китобида келтирилган барча маълумотлар белгилаб олиниди. Эндиликда уларнинг воқеаликка қанчалик якин эканини аниқлаш лозим эди. Бунинг учун аввало Бухоронинг осориатиқаларини кенг кўламда урганиш лозим эди. Ҳолбукни, «Бухоро тарихи»да таъриф этилган кўҳна арк — кӯчанлиз ҳам, шаҳристон ҳам, шунингдек «Бухородан қадимроқ» леб тасвирланган Вардана, Пойканд, Варахша, Ромитан ва Ромуш харобалари тела

¹¹. Уша асар 27-бет.

шаклида бизнинг замонамизгача етиб келган. Құхна тарихнинг бу обидалари бағрида, шубҳасиз, Бухоронинг узоқ ва яқин үтмишининг излари жуда яхши сақланған. Бу ёдгорликларни тадқиқ этиш узоқ ишлар давомида фанда ечишмай келган бухороликларнинг орзусыга айланған Бухоронинг ёши масаласыга ойданылған киритиши мүқаррар әди.

АРХЕОЛОГИК КУЗАТИШІЛАР, ҚАЗИШЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР

«Бухоронинг ёши нечада?» деган жумбоқни ечиш учун кенг күламда тадқиқотлар олиб бориши, бевосита шаҳар ҳудудининг үзіда археологик қазишмалар үтказыш лозим әди. Чунки ilk бор қад күтарған үзининг қадимий жойидан бир неча бор сиңжиган Самарқанд, Тошкент ва Қарши шаҳарлардан фарқын үлароқ, Бухоро бир қатор тарихий фожеаларни бошидан кечирған, ҳатто 1220 йылда Чингизхон құшылдары томонидан батамом ер билан яксон қилиб ташланған бұлса-да, вақт үтиши билан алған аввалин үрніда худди Ҳұмо құши кабы қад ростлади. Шаҳарнинг мана шундай қисмети оқибатида уннинг остида қалып маданий қатлам ҳосил бүлған. Асрлар оша уннинг бағрида сақланыб келаётған бу қатлам қаъридаги моддий-маданият қолдиқлары эса тадқиқотчилар учун Бухоронинг узоқ үтмишини ёритиб, уннинг ёши ҳақидағы муаммони ечиб берадыған жуда бой ва ягона тарихий манбага айланған.

Бу тарихий шаҳар рүйн заминин остидаги маданий қатламларни очиб, уннинг қадимий моддий-маданият изларини үрганишга бүлған қызықиши тадқиқотчилар үртасида қанчалик ортиб бормасын, уннинг остки қатламларини қазиб, тадқиқ этишке ҳар ким ҳам мұяссар бүлавермади. Аввало Бухоронинг қадимги қисмети ҳисобланған эски маңаллаларда зинк жойлашған ахоли турар жойлары ва тарихий обидалар кенг күламда археологик қазишмаларни амалта ошириш учун имкон бермади. Қолаверса қазиб очиған участкаларда ерости сизот сувларининг интенсив күтарилиши уннинг остки қатламларини кавлаб очишига түсқинлік қылды.

Бухорода дастлабки археологик тадқиқотлар үттисинчи йилларда екі бошланған әди. Ұша пайтдаги қазишиларни шаҳардаги айрим монументал меъморий обидаларни тадқиқ қылыш, уларни таъмирлаш билан бөлгүй әди. Ұша вақтларда Магоки Атторий масжиди яқиннанда қазишмалар олиб борған тадқиқотчи В. А. Шишкін

ҳам, сўнгра 50-йилларда Минорион Калон пойдеворини қазиб очган археолог С. Н. Юрченев ҳам еости сувларини булоқдек қайнаб чиқиши оқибатида шаҳарининг қадимги саҳнигача кавлаб етолмаган эди.

Ўзбекистон ҳудудида шаҳарларининг пайдо бўлиши ва шаҳар маданийтигиниг шаклланниб, ривожланиши тарихини ўрганиш муносабати билан 60-йилларининг охирига келиб академик Я. Гуломов раҳбарлигида маҳсус археологик экспедиция ташкил этилди. У Бухоро шаҳри ҳудудида ҳам кўп йилларга мулжалланган мунтазам археологик қазиш ишларини уюштириди. Даставвал 1970—1974 йилларда, сўнгра 1977—1980 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бир неча жойда кенг кўламда археологик қазишмалар ўтказилди. Бу вақтда замонавий техника воситалари билан қуролланган археологлар гуруҳи янги усул ишлаб чиқиши. Эндилика, олатлагидек майда қудуқлар эмас, аксинча катта ер майдонларида сурункасига қазишмалар амалга ошириладиган бўлди. Аҳоли зич жойлашган бугунги Бухорода қазишмалар учун очиқ майдонлар излаб топиш ҳам осон кўчмади. Ниҳоят, сайдёхларга ҳам яхши таниш бўлган обидалар — музей қўриқхона «Зиндан», Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Тоқи Заргарон ва Абдуллахон тими ўртасида жойлашган майдонлар, 11—13 гектарга тенг қадимий Шаҳристон ҳамда Аркнинг ялангликдан иборат шарқий қисми маъқул топилди.

Бу участкаларда юқори аралаш қатламлар қудратли экскаваторлар ёрдамида, остиси эса фақат белкурак ва кетмонлар воситасида — қўлда қарийб 20 метр чуқурликда бир неча улкан хандақлар қазилди, сизиб чиққан еости сувлари насослар ёрдамида сўриб олинди. Хандақларининг лаблари айрим участкаларда ўпирлигиб, минглаб тонна тупроқ қазишма майдонларини босиб қолишига қарамай, деярли ҳамма қазишма участкаларида биз Бухоронинг ботқоқлик устида ҳосил бўлган қадимги рўйизамиинигача қазиб очишига муссар бўлдик. Асрлар давомида Бухоронинг баъзи жойларида 14 м, баъзиларида эса 20 м ли қалин маданий қатlam вужудга келгани аниқланди. Ундан топилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб бўлиб, улар шаҳарининг пайдо бўлишидан то асримизнинг бошларигача бўлган таърижий тараққётини намониш этар эди.

Бухоро ва унинг вилояти бўйлаб археологик обидаларни тадқиқ қилиб, ўлканинг қадимги тарихи зарварақларини тиклашда Я. Г. Гуломов, А. Р. Муҳаммад-

жонов, В. А. Шишкин, В. А. Нильсен, А. Асқаров, У. Исломов, М. Р. Қосимов, Х. Мұхамедов, С. Сулаймонов, И. Ахроров, Т. Мирсаатов, О. В. Обельченко, С. К. Қабанов, В. Д. Жуков, Г. В. Шишкина, В. А. Булатова, В. И. Спиринский, Н. Б. Немцева, Х. Дуке, Ж. Қ. Мирзағмедов, П. Валиев, Г. Дарабоев, У. Олимов, Ш. Т. Одилов, Г. Л. Семенов, Е. Г. Некрасова ва бошқаларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Бухоро ва унинг атрофида йиллар давомида муттасил слив борилган археологик тадқиқотлар ўз самарасини берди. Улканинг қадимги табиати, аҳолиси ва унинг яратган ўзига хос маданияти, ўзлаштирилиб обод этилиши ҳамда унда ибтидои чорвачилик ва дәхқончилик хужаликлари нинг шаклланиши, шунингдек катта-кичик қишлоқ ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихига онд бой фактик маълумотлар тупланди. Шубҳасиз, улар Бухоро шаҳарининг пайдо бўлиши тарихининг эмас, балки Зарафшон водийсида урбанизация жарайенининг вужудга келиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

АМУДАРЕГА ҚИЙИЛГАН ҚАДИМИЙ ЗАРАФШОН

Қадимда Мисрни «Нилнинг хадяси» деганлари дик, Бухоро воҳасини ҳам Зарафшон дарёсининг циёми деся булади. Чунки дарё адогида жойлашган бу ўлканинг ўзи, авваламбор, Зарафшоннинг минг йиллар давомида оқизиб келган майда лойқа ётқизиқлари туфайли вужудга келган. Унинг тошқинларидан ҳосил бўлган сансаноқсиз ирмоқлар, кўл ва кўлмаклар эса воҳа табиатининг шаклланиши ва ўзлаштирилиб, обод этилишида муҳим восита ҳисобланган.

Маълумки, музликлар даври тугаб, об-ҳаво илий бошлигач, Туркистон, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг кифтини қоплаб ётган қалин музликлар, абадий қорликлар эриб, улардан ҳосил бўлган улкан тошқинлар Зарафшон дарёси буйлаб ниҳоятда ҳайқириб оққан. Унинг ўша замонлардаги ҳайқирган тошқинлари, шубҳасиз афсоналарда тасвирланган машҳур «Нух тӯфони»ни эслатган. Ўша замонларда Зарафшон ўз водийсида ниҳоятда кенг майдон буйлаб ёйилиб оққан. Унинг ўнг қирғоғи ҳозирги Самарқанд вилоятидаги Пойарик ва Ҳатирчининг адирларини, сўл қирғоғи эса Пастдарғом ва Каттақўрғон қирларини ювиб ўтган. Бу катта оқимининг бирор томчиси ҳам Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта қисмларида на дәхқончилик ва на обо-

дончиллик учун сарф бўлмай, у ҳозирги Навоий шаҳри яқинида тор Ҳазора дарбандини ёриб ўтиб, конусси-мон шаклда Бухоро воҳасига оқиб кирган. Бухоро воҳасида у қадимги Хитфар (Вобкентдарё), Рудизар (Шаҳрул), Қоракўлдарё, Моҳондарё ва Тайқир каби бир нечта тармоқлар ҳосил қилиб, бутун воҳа бўйлаб ёйниб оққан. Уша замонларда ҳозирги Бухоро вилоятининг водий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қални бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган.

Бухоро воҳасининг бу қадимий табиий манзараси X асрда яшаган вобкентлик тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида қўйнадагича тасвириланади: «Ҳозирда Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (илгари) ботқоқлик бўлиб, — деб тарифланган китобда — унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган. Айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарқанд томондаги вилоятлар тоғларида қор эриб, суви (оқиб келиб) ўша жойга йигилтиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йигилган, у бир талай ерларни ювиб — ўпприб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада, бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сунг сув (тошиб келиши) тұхтади, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё Суғд ва бу (loyқалар билан) тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди».¹²

Айни ўша замонларда ҳозирги Қоракўл ва Олот туманилари ўрнида улкан кўл бўлиб, унга бир томондан Қашқадарёning иккинчи томондан Қоракўлдарё орқали Зарафшон дарёсининг сувлари қишин-ёзин муттасил қўйниб турган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан», яъни Сомжан денгизи, «Баҳр ул-Бухоро», яъни Бухоро денгизи, «Боргини Фарроҳ» — Кенг ҳовуз, «Мовозан Бойканд», яъни Бойканд яқинидаги кўл каби бир неча атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл» деб юритишган. Бу кўлининг узуилиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг,

¹² Абу Бакр иби Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1986, 15-бет.

яъни 120—140 км га тенг бўлган. Бухоро денигизи ва Бойкандкул номлари билан ишҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоги Шибурдон ота баландликларига туташниб кетган Замонбобо адирликлари, жанубийси Денгиз кўлнинг жанубий соҳиллари, шарқийси Пойканд — Тайқир қирлари орқали Қарши даштига ва гарбий қирғоги эса, Олот текисликлари орқали Урганжий даштига — Қизил қумга бориб туташган. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув жониворларига ишоятда бой булиб, бутун Хуросон музофотида бу ердагидек кўп миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.¹³

Голоцен даврида, яъни милоддан аввалги XII—X минг йилларда тектоник ҳаракатлар оқибатида Пойканд — Қеракўл массиви бирмунча кутарилди. Натижада Зарафшоннинг ҳайқириб оқсан қадимий оқими Бухоро воҳасида дамланиб, ҳозирги Яккатут яқинида Мохондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб у Чуқуркўл, Мохонкўл, Ўртакўл, Чандиркўл, Замонбобо, Кичиктузкон, Каттатузкои, Лўхли, Оғачуюк, Каидирли, Қайнқали, Қурсонбобо, Раҳматбобо, Кичикиорсон, Каттапорсон ва Эчкиқирон каби бир қанча кўллар занжирини ҳосил қиласди, сунгра 150 км масофада бутун Урганжий даштини кесиб ўтиб, Оқрабод ва Нарғизқалъа деган жойларда Амударёга бориб қўйилди. Қадимда Зарафшонни Амударё билан туташтирган Мохондарёнинг сувсизликдан кейинчалик қуриб қолган кўхна ўзанлари ҳозиргий вақтда тамоман қуриқ ва усти пўрсиқ шур ҳамда атрофи юлғун босган бу кўллар орасида деярли билинмай кетган бўлса-да, аммо чўл бағрида, хусусан, барҳанлар остида жуда яхши сақланган. Баъзи жойларда унинг кенғлиги 30 м чуқурлиги эса 1,5—2 м га боради. Мохондарёнинг ўзанларидан бири Амударёнинг ўнг қирғогига жойлашган. У XI—XII аср ёдгорлиги Нарғиз қалъа яқинида тўртта ариага ажралиб, дельта ҳосил қиласди ва чуқур ҳамда кенг жарликлар орқали Амударёга бориб туташди. Буни маҳаллий аҳоли «сувлот»¹⁴ деб атайди. Улардан биринчиси Охур сувлот, иккинчиси Жилғинди сувлот ёки Юлғунли сувлот, учинчиси Шур сувлот ёки Ойхон сувлот, тўртинчиси Сувли сувлот ёки Диги сувлот номлари билан машҳур. Бу сувлотларининг эни 75—125 м чуқурлиги 15—20 м га тенг.

¹³ Уша асар. 25-бет.

¹⁴ Дарё соҳили бўйлаб тошқин сувлардан ҳосил бўлган кўл ва кўлчаларни маҳаллий аҳоли «сувлот» номи билан аташади. Чупки бу кўлчалардан кўй отарлари сувлаган — сугорилган.

Мохондарёниг бир ўзани Наргиз қалъадан 18 км жунуби-шарқда жойлашган Оқрабод мавзеи яқинида Шурётк, Сарбой, Поянда, Қум сулот ва Жар сулот каби бешта тармоққа бўлиниб, у ҳам Амударёга бирлашади.

Шубҳасиз Мохондарёниг кучли оқимлари натижасида Амударёниг баланд ва мустаҳкам қирғоқлари ювиллиб, ҳосил бўлган бундай чуқур ва кенг жарликлар қачонлардир узоқ ўтмишда Зарафшон сувларининг Жайхунга томон қанчалик шиддат билан оққанлигидан гуваҳлик берибгина қолмасдан, балки бу икки дарё алоқаларининг қадимги ишони — осориатиқасига айланган.


ҚУИИ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ИБТИДОИЙ МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Асримизнинг 50—60-йилларида Зарафшон водийсида, хусусан унинг қуиин қисмида кенг куламда ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ўлка ва уни тўрт томондан ўраб турган даштиликнинг табиий-географик шароити қадим замонлардан бошлабоқ ибтидоий одамлар яшаши учун жуда қулай бўлган. Топилиб, текширилган тош асри ёдгорликлари, қайд этилган сон-саноқсиз тош қуроллардан иборат топилмаларнинг географияси шуин курсатадики, ўта узоқ ўтмишда одамлар асосан тоғ ён бағирлари, сой жарликларининг ёқалари ҳамда тоғ этакларида ер қобиғининг тектоник ёриғларидан қайнаб чиққан булоқлар атрофида яшаганлар. Чунки бундай жойларнинг табиати, хусусан ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлиб, овчилик учун қулай бўлган. Қазиб, ўрганилган ўрта палеолит (Урта тош асри — милоддан аввалги 150—40 минг йиллик) ёдгорликларининг маданий қатламларида қайд этилган турли хил ёввойи ҳайвон сүяклари қолдикларига қараганда ўша даврларда Зарафшон водийсида фил, қўнғир айиқ, сиртлон (гнена), тур (ёввойи буқа), булон (буғу), қулон (ёввойи эшак), тоғ эчкиси, Осиё муфлони (архар), ёввойи буқа ва бошқа хил ов ҳайвонлари ҳамда турли туман паррандалар яшаган. Шу сабабли жуда қадим замонлардан бошлаб бу ўлка тош асри ибтидоий овчиларининг дикқат-эътиборини узига жалб қилган. Шунинг учун тош даврининг ибтидоий маданият излари кўпроқ Бухоро воҳасининг шарқий томонида Қораторов ва Зарафшон тизмаларининг этакларида топилиб, ўрганилди. Водий бўйлаб қайд этилган Омонқўтон, Гур-

дара, Самарқанд, Құтирбулоқ, Зирабулоқ, Учтут, Воуш, Ижонд ва бошқа ўрта полеолит даврининг маконлари бунинг ёрқин далилларидир.

Зарафшон водийсининг тоғлик ҳудудлари ибтидоий одамларининг яшаши учун қулай овлок жойлар бўлибги на қолмасдан, балки ўша даврининг тирикчилик восита-си — тош қуроллари ясашда асосий хомашё манбани ҳисобланган. Тадқиқотчи Х. Мухамедов томонидан 1958 йилда Навоий шаҳридан 22—25 км шимоли-шарқда топилиб, аввал М. Р. Қосимов, сунгра Т. Мирсаатовлар ўрганган Учтут ўрта палеолит даври макони ва тош қуроллари ясаш устахонаси тош даврининг нодир оби-даларидан ҳисобланади. Хомашё Қоратогнинг чақмоқ тошли яланғоч кифти ва ёнбағирларидан, даставал тоғ тизмаларидан синдириб, сунгра кавлаб олинган. Тоғ ёнбағри ва макон теварак-атрофларида сочилиб ётган сон-саноқсиз чақмоқтош бўлаклари, ярим ишлов берилган хомаки ҳамда турли тош қуроллар қадимги кончи қуролсозларининг меҳнат фаолияти изларидан далолат беради. Тош қуроллари орасида ҳар хил наизасимон, пичоқсимон тош парраклари, кескич ва санҷқилар ҳамда кўплаб тош учиринидилари кўзга ташланади. Қунғир ва кулранг чақмоқ тошлардан ясалган қуролларининг аксарияти тошга ишлов бериш ва қурол ясаш техникини жиҳатидан Зирабулоқ, Құтирбулоқ, Омонқўтош каби мустъе даври маконларидан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади. Учтут ёлгорлиги давр жиҳатидан кўп қатламли бўлиб, ости қатламлари мустъе, юқори палеолит ва мезолитavrларига, устки қатламлари эса неолит — янги тош даврига мансубдир. Шундай қилиб, Зарафшон водийси бўйлаб топилиб тадқиқ этилган ўидан ортиқ тош аспи ёлгорликлари бу ўлкада одамлар қадим замонлардан бошлаб яшаб келганидан гувоҳлик берса, Учтут макони ва чақмоқ тош бўлаклари казиб олинган тош кони еа қуролсозлик устахонаси Бухоро-нинг шарқий ҳудудлари ибтидоий овчиларини меҳнат қуроллари ясашда чақмоқтош бўлаклари билан таъминлаб турадиган хомашё манбани бўлган экан, деган хуносага келиш мумкин.

Бухоро воҳасини шимол ва шимоли-шарқ томонлардан ўраб турадиган Қўлжўков, Сувенистон, Оқтоғ ва Қоратоғ ёнбағирларидан оқиб тушиган ката-кинич сойларининг қадимги қўриқ ўзанлари адоклари маҳаллий аҳоли ўртасида Эчкиликкум, Дашиб ўрганжий номлари билан шуҳрат топган. Кизилкум бўйлаб ёғини-сочинлардан



хосил булган сон-саноқсиз қоқлар¹⁵ атрофида, шунингдек Вобкентдарё, Мохондарё, Гужайли ва Гурдуш ўзанларининг қадимги делталаридағи ёйшмаларининг тақирилари устида ҳар томонда сочилиб ётган мезолит (мил. авв. XII—VII минг йиллик) ва неолит (мил. авв. V—III минг йиллик) даврларининг микролит (майда тош) қуролларнга қараб фикр юритилса, Бухоро воҳасида мезолит ҳамда неолит даврларидан бошлаб ҳаёт анча гавжумлашганилигини билиш мүмкин. Шубҳасиз, микролит қуроллар беҳад сочилиб ётган ерлар ибтидоий овчи ва балиқчи қабилалар яшаган макон ва манзилгоҳларининг ўрни бўлиб, афуски бу узоқ ўтмиш ёдгорликларининг маданий қатламлари асрлар ўтиши билан шамол эрозияси натижасида емирилиб кўҳна тураржойларининг аксариятидан ному нишон қолмаган.

КАТТАТУЗКОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ ОВЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАРИ ДАРВОЗАҚИРЛИКЛАР ЧАПЛАСИ

Маълумки, 50—60-йилларда Я. Гуломов раҳбарлигіда маҳсус археологик экспедиция қачонлардир Зарафшон сувларини Амударёга элтган Мохондарё, Гужайли ва Гурдушларининг қуриб қолган қадимги ўзанлари бўйлаб кеңг кўламда археологик тадқиқотлар утказди. Уша йилларда топиб, текширилган қатор археологик ёдгорликлар туфайли бу қуруқ ўзанлар бўйлаб Зарафшон сувларининг хайқириб Амударёга томон оққан, сўнгра аста-секин сусайиб, оқишдан тўхтаб қолган ва ишоят сувсизликдан улар қуриб қолган даврлари аниқланди. Шу билан бирга, бу кўҳна ўзанлар ҳавзасига милоддан аввалги V—III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабилалар келиб ўриашгани ва улар яратгани ўзига хос маданият излари тоциб ўрганилди.

1960—1963 йиллар давомида Гужайли бўйлаб Кичинтузкин атрофида З. Каттатузкон Зб, Мохондарё бўйлаб Лўхликул ва Эчкиқирон атрофларида 2 ҳамда Пойкаандининг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб 11 жойда неолит даврига мансуб ёдгорликлариниг қолдиқлари топиб текширилди.¹⁶

¹⁵ Дацитларда қор ва ёмғир сувлари жилгасидан ҳосил булган кеңг, лекин саёз кўллар, яъни ҳалқобларни чорвадор аҳоли «қон» номи билан атанди.

¹⁶ Гуломов Я. Г., Исломов У., Асқаров А. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида сугориладиган дехқончиларини вужудга келиши. Тошкент, 1966. 21—62-бетлар.

Қайд этилган ва қазишлар олиб борилған қатор ёд-горликларнинг жойлашган үринларға ва улардан топилған турли хилдаги ашёвий топилмаларга қараганда, ҳозирги Қоракўл туманиндағи Саёт қишлоғи ерлари («Ташкент» ва «Пайкент» қишлоқ жамоалари пайкаллари) ҳамда Замонбободан шимоли-ғарб ва ғарбда Амударё-гача туташиб кетган Гужайли ва Мохондарё ҳавзалари (бу кенг майдон шарқда — Замонбобо, Кичиктузкон ва Қаттатузкон, шимолда — Газов, Одилқудуқ, Учбош, Қурбонбой, Раҳматбобо ва Эчкирион, жанубда — Каптарникуми, ғарбда — Оқрабод, Нарғизқалъя ва Ҳатар деган жойлар билан чегараланади) милоддан аввали V—III минг йиғликларда Зарафшон водийси қуйи оқимидағи энг хушманзара ва гавжум жойлардан бири булған. Ҳозирги кунда сувсиз, қуруқ үзанлар, туз босған шўрликлар ҳамда оғир құмлук ва текис тақириллар билан қопланған дашт манзарасидан мутлақо фарқ қиласын бу қадимги воҳа ўша замонларда ниҳоятда серсув булиб, табият дунёси ҳам жуда бой булған. Воҳа ва унинг теварак-атрофи қалин бутазор, чангальзор, жийдазор, лўх-кўғай ва тўқайзорлар ҳамда уларга туташиб кетган поёнсиз даштлик ва құмлуклардан иборат яйловлар бўлған. Мохондарё ва Гужайли тошиқинларидан ҳосил бўлған кўл ва ботқоқликлар ва қалин чангальзорлар турли хил жониворларга сероб бўлған. Дарёвот ва кўл ёқаларидағи сувлотлар теварак-атрофи турли ёввойи ҳайеон подалари тўпланиб сувладиган овлоқ ўтлоклардан иборат бўлған.

Ҳозирда оғир барханли құмлуклар билан қопланған бу ўлқанинг бундан 6—7 минг йил муқаддам табиий шаронти қулай бўлғанилиги сабабли бу ерларда Бухоро ва Қоракўлнинг энг қадимий аҳолиси яшаган. Бу аҳоли на чорвачилик, на дэҳқончилик касб этишини билмай, фақат овчилик ва балиқчilik билан кун кечирган. Бухоро — Қоракўлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари чакалакзорлардан устун, сарров, тусин ва синчбоп дараҳтлар қирқиб, тўқайзорлардан қамишлар уриб, дарё буйлари ва кўл соҳилларида улкан чайлалар бино қилганилар ва уларда катта патриархал оила булиб яшаганлар. Бундай чайлаларининг қолдиқлари У. Исломов томонидан 1961—1963 йилларда Қоракўл тумани марказидан 40 км шимоли-ғарбда Қаттатузконнинг шимолий соҳилидаги Дарвозақир деган жойда топиб текширилди.

Қуйи Зарафшонда қайд этилган 40 дан ортиқ неолит ёдгорликларидан фақат иккитасидагина маданий қатламлар сақланыб қолган холос. Бошқаларида қатлам-

лар шамол эрозияси оқибатида нураб битган. Дарвоза-қыр-І ва Дарвозақыр-ІІ ёлгорликларида олиб борилган қазишлардан маътум бўлишича, маданий қатламлар тоза кўчма қум қаватлари билан алоҳида-алоҳида ажралиб турган тўрт лойка ётқизиңглар устида ҳосил бўлган. Ҳар бир қатламни синчилаб ўрганиш билан авваламбор, Гужайли оқимининг қадимги ҳолати ва Каттатузкон кўлидаги сув сатҳида содир бўлган ўзгаришлар, қолаверса бу сув манбаи билан чамбарчаст боғлиқ бўлган қадимий овчи балиқчиларнинг ҳаёти ва улар яратган ўзига ҳос ибтидоий маданиятнинг кўп томонлари аниқлаб олинди.

Каттатузкон соҳилида тақир устида ҳосил бўлган Дарвозақыр-І маконининг учта маданий қатламлари уч қават тоза ва зич қум қатламлари билан қопланган. Қатламларнинг бундай ҳолати шубҳасиз неолит даврида Каттатузконда сув сатҳи бир хилда бўлмай, балки у доимо ўзгариб турганидан датолат беради. Фикримизча, ҳар бир маданий қатлам устидаги тоза қум қатлами Каттатузконнинг суви батамом қуриб, ёки ниҳоятда пасайиб кетиши оқибатида балиқчилар ўз маконларидан кўчиб кетган вақтларида шамол учиреб келтирган кўчма қумликлардан ҳосил бўлган. Қум қаватлари билан алмашиб турган маданий қатламларга қараб ҳукм чиқарганда, неолит даврида дарвозақырликлар ўз маконларини уч марта ташлаб кетганилар, сунгра яна ўз жойларига қайтганилар.

Дарвозақыр-І маконида қазишмалар олиб борилган вақтда унинг саҳнидан тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги чайла ўрни аниқланди. Чайланинг катталиги 7x11,6 м, саҳни 81,5 кв мга тенг. Синчкори бу иморатнинг гирдини белгилаб, тархни аниқлашда тақир бетида сақланиб қолган устун ва синчлар учун ўйилган чуқурчалар жуда қўл келди. Чайла саҳнининг икки ва тўрт бурчагида эса тўртта устунлар ўрнатилган каттароқ чуқурчалар, гирди бўйлаб синчлар учун кавланган кичикроқ чуқурчалар тақир устида жуда яхши сақланган. Чуқурчалар ўрнининг мутаносиблиги чайланинг олти устунга, тўртбурчак ва томи тўрт томонга нишаб қилиб ёнилганини белгилаб берди. Чайланинг эшиги шарқ томонда бўлиб, у қўл томонга қараган.

Чайла ташқарисида ёнгиндан бир мунча қизаргани бир нечта ўсоқ ўринлари қум остида қолиб кетган. Усоқлар атрофида ҳамда чайла ичиди оқ, саригимтири-оқ ҳамда қизғиши-қўнғир рангли чақмоқ тошлардан ясалган қуроллар, сопол идишлар бўлаклари, ов қилиб

истеъмол этилган балиқ, парранда ва турли хил ёввойи ҳайвонлар суюклари сочилиб ётарди. Тош қуроллар орасида ўқ-ёй найконлари, камон ўқлари ва ўроқ дасталари ясашда ишлатиладиган ўроқрандалар, ҳайвон теринин ишлаши, ошлаши ва улардан кийим-бош, ёшинчиқ, тұшак ҳамда чориқлар тикинда кенг фойдалапшиладиган пичоқсимон кескичлар, турли хил қирғичлар, тешгич ва сұзанлар, синган сопол идишларни чегалашда мундоқ ва маржонларни тешишда ишлатиладиган пармачалар, коюо (нефрит) тошидан ясалған пона ва болтачалар ҳамда ўроқ тишиларининг қадамалари, күпдан күп майда тош учиринди ва бұлакчалари бор эди. Ҳар бир тош қуроли қандай асбоб сифатида ишлатилганини анықлаш учун У. Исломов томонидан минглаб топилмалар иккі күзли бинокулярлы микроскоп остига құйилиб, уларнинг тиғларыда биліншілік сақланиб қолған иш жарабаинининг излари синицилаб тадқиқ этилди.

Топилмалар орасида сопол идиш бұлаклари ниҳоятда күп бўлиб, аксариятининг сиртига ботирма чизиқли нақшлар тортилган. Нақшлар ҳам үзига хос ва анчамунча бой. Улар горизонтал, тик, диагонал тортилган тұлғинисимон ва құш чизиқли, учбурчак, ромба, трапеция, бошоқсимон тароқсимон ва бошқа хил шакллардан иборат. Сопол идишларнинг туби тухумсимон ёки дума-лоқ шаклда ишланған. Улар маҳсус чуқурчага ёки құмлик устига үринатиш, шунингдек қозық ёки чайла устунарига осиб қўйишга мўлжалланған. Сопол идишлар 3—4 литр ҳажмда суюқлик әллитадиган хуқача, хурмача, қозон ва товоқлардан иборат. Уларда шубҳасиз, овланған балиқ, парранда ёки турли хил ёввойи ҳайвонлар гўштларидан шўрва қайнатиб, истеъмол қилингани эхти-мoldan узоқ эмас, албатта. Қизиғи шундаки, Каттатузкон атрофида ҳамда Дарвозақирда топиб, ўрганилган сопол идишлар ва уларнинг сернақш бұлаклари ЗараФиши водийисида касб этилган илк кулолчиликнинг маҳсулни ҳисобданади. Чунки неолит давригача бу үлкада хали сополсозлик кашф этилмаган эди.

Археологик топилмаларнинг таҳлили шуни күрсатадики, неолит даврида Каттатузкон соҳилларида Дарвозақир-I—II маконларыда истиқомат қилған қадымги ахлиниң иқтисодий ҳаёттада овнилік, хусусан балиқ ови хўжалик юритишининг асосий манбаси бўлған. Бу хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлған микролит тош қуроллар ясаш технологиясын юқори даражада бўлиб, ҳатто улар тошни пармалаш, хирпалаб тиғ чиқариш,

микролит қадамаларни дасталарга ўтқазиб, ўроқ, пи-
чоқ, арра каби махсус қуроллар ясаш техникасини му-
каммал билганилар.

Хуллас Қуйи Зарапшон ва Қашқадарё этакларида
Дарвозақир-I—II, Катта, Кичиктүзконлар, Эчкиқирон,
Каптарниқуми, Қоронгишур, Қизилқир, Пойканд, Қум-
султон ва бошқа күргина ёдгорликлардан топилган ашё-
вий қолдиқтарни чуқур ўрганиш; Қорақалпоғистон, Қо-
зогистон, Уралбайи ва бошқа жойлардан топиб тадқиқ
этилган неолит даври ёдгорликлари топилмалари билан
қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Кат-
татузкои соҳилларида яшаган қадимги овчи-балиқчи
аҳолидан сақланиб қолган моддий маданият излари қа-
димги Хоразм тупрогида Амударё этакларида С. П. Тол-
стов томонидан кашф этилиб, ўрганилган машҳур «Кал-
тамиорликлар маданияти»га мансуб бўлиб, улар ми-
лоддан аввалги IV—III минг йилларидан билан сана-
лади.

УЧТУТНИНГ ИБТИДОИЙ КОНЧИЛАРИ ВА СҮНГИ ТОШ ДАВРИ ШАХТАСИ

Қуйи Зарапшонда ибтидоий маданият излари тас-
вирланар экан, унинг асоси ҳисобланган тош қуроллар
ясаш техникасини юқори сифатли хомашё — чақмоқ-
тошлар билан асрлар давомида таъминлаб турган кӯхна
тош конлари — «сангбур»лар ҳамда улардан керакли
миқдорида хомашёни қазиб олиб, қуролсозларга мут-
тасил етказиб берган қадимги кончилар фаолияти ҳам
диққатга сазовордир. Маълумки, Зарапшон этакларида
қайд этилган тош қуроллар ниҳоятда сифатли оқ ва
саригимтир-оқ халқедон, нефрит ва опаллардан ясал-
ган. Бундай тошлар кўпроқ Марказий Қизилқумда Ол-
тинтов ва Буқантов қатламларида учрайди. Қуроллар-
нинг маълум қисми оч жигарранг ва кулранг чақмоқтош-
лардан ишланган. Бундай төғ жинслари эса қадимдан
Навоий шаҳридан шимолда жойлашган Учтут яқинни-
даги Қоратоғдан қазиб олинган.

Учтутда археолог М. Қосимов ва Т. Мирсоатов-
ларнинг олиб борган қазиш ишларидан маълум бўли-
шича, Учтутнинг қадимги тош кони — Сангбуридан фа-
қат мустеъ давридагина эмас, балки юқори палеолит,
мезолит ва неолит даврларида ҳам хомашё манбани си-
фатида фойдаланилган экан. Қизиги шундаки, янги тош
давригача хомашё, асосан тог юзасига чиқиб қолган
чақмоқтош қатламларидан спандириб олинган бўлса,

неолит даврига келгач, хомашенің эпди ер остидан қазиб олина бошланған. Археологик тажрибалардан маълум бұлишича, төгнинг остық катламларидаги асрый чақмоқтошлар очық майдон бетига чиқиб қолған қатламлардагы чақмоқтош жинсларға нисбатан сифат жиҳатидан юқори бұлған. Улардан исталған шаклдаги ниҳоятда кескир тош қуроллар ясаш ҳам енгил, ҳам унумли бўлған. Шунинг учун ҳам минг йиллар давомида, бир томондан, хомашё хусусиятларини пухта ўрганиб, қолаверса тошни ишлаш технологиясини тұла әгаллаб олган қадимги кончилар ўз даврининг мөхир санттарошлири булиб, чақмоқтошларнинг сифатли навларини ахтариб топиб, уларни тоғларнинг қаеридан ва қандай усулда қазиб олышни яхши билғанлар.

Учтут тош қуроллары ясаш устахонасы ва Санғбурида юздан ортиқ неолит даври шахтаси қайд этилиб, улардан 26 тасида қазишлар үтказилди. Шахталар оғзи доңра ёки воронкасимон шаклдаги үралардан иборат бўлиб, чақмоқ тош бўлаклари қазиб олиш натижасида туби кенгайиб камарга айланған. Баъзан 2 ёки 3 шахта чоҳларининг камарлари туташтирилиб, лағм — тунелга айлантирилган. Шахталар оғзининг диаметри 1,5—2 м, чуқурлиғи 3—4 м, лағмларининг узунлиғи 4 м гача, кенглиғи 1,5 м, баландлиғи 1,8 м га боради. Шахта деворларида айниқса бел қисмларида диаметри 2—3 см ли қозиқсимон предметнинг сурункасига бетартиб туширилган ярим допра шаклдаги ботиқ излари яхши сақланған. Излар ҳамда чоҳ тубидан топилған йирик шоҳли ҳайвонларнинг минераллашиб кетган шоҳларига қараганда, неолит даврининг шахталарини қазиша Учтутнинг қадимги кончилари тур, ҳұқиз, буғу каби ҳайвонларнинг шоҳларидан ясалған чүкич, чұт ва үйғичлар каби қуроллар билан 3—4 м ли чоҳлар қазиб, уларни тунеллар билан бирлаштириб, тоғ қаъридан чақмоқтош бўлакларини олғанлар. Шахталарнинг туби, камари ва тунеллардан топилған күпдан-күп ашёвий қолдиқларга қараганда, ер қаъридан чақмоқтош бўлакларини қазиб, уларни тош болғалар билан синдириб олишда неолит даври кончилари қайроқ тошлардан ясалған босқон, сандон ва болғалар сифатида ишлатилған турлы хил қупол тош қуролларидан кенг фойдаланишган. Неолит даврида ҳар бир шахта қудугини ковлаш учун қанча вақт сарф бўлганини аниқлаш мақсадида махсус археологик тажрибалар үтказилди. Кон ишлари учун тош, ёғоч ва ҳайвон шоҳларидан ясалған махсус чүкич, чұт ва үргичлар воситаси билан үралар қазилиб,

тубидан чақмоқтош бұлаклари ковлаб олинди. Тажри-
балар шуни күрсатдикі, тош чүкічлар билан чуқурли-
гі 170 см, диаметри 90 см ли үра 18 соатда, шох чүкіч-
лар билан чуқурлигі 230 см, диаметри 120 см ли өз
8 соатда, еғоч үйғиңлар билан эса чуқурлигі 235 см,
диаметри 120 см қудақ 7 соатда ковлаб очилди.

Үтказилған тажриба күрсаткычлардан маълум бұ-
лишича, шахталар ковлашда тош қуролларга ишебатан
шох ёки ёғочдан ясалған үйғиңлар воситаси билан иш-
лашда вақт иккі баробар кам сарф бўлиб, ишнинг уну-
ми ҳам аинча-мунча юқори булар экан. Тадқиқотчилар
Учтут, Бош ва Шонд атрофларида топилған қатор тош
даври маконлари ва уларда қайд этилған хилма-хил
тош қуроллари Зарафшон водийсининг қуйи оқимида то-
ниб урганилған неолит даври ёдгорликларининг чақ-
моқтош қуролларига солиштирад эканлар, улар ўртаси-
да ҳам хил, ҳам ишлов техникаси, ҳатто фойдаланил-
ған хомаше — чақмоқтош турлари жиҳатидан ҳам жуда
үхшашик бор эканини қайд этадилар. Шунга асосан
Учтутнинг неолит даври шахтасини милоддан аввалги
V—III минг йилліклар билан санамоқдалар.

Тош аспи ишлаб чиқаришининг асосий хомашеси —
чақмоқтош қатламларини излаб топиб, унға ковлаб олиш
мақсадида Учгутда шахталар қазиб, ишга туширган
неолит даври кончилари, шубҳасиз, калтаминонрликлар
қабиласига мансуб бўлган. Қуни Зарафшон ҳамда Мар-
казий Қизилқумда кенг тарқалиб, овчилик ва балиқчи-
лик билан кун кечириб келган ўз қабиладошларини улар
хомаше билан муттасил таъминлаб турғандар. Балки
улар ўртасида айирбошлиш ҳам мавжуд бўлгандир.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасининг шарқий ҳудуди
ҳисобланған Қоратоғ этакларидан неолит даври шахта-
си ва қадимги кончилар макони ҳамда устахоналари-
нинг тадқиқ этилиши билан Марказий Осиёда ҳозирча
ягона ҳисобланған нодир археологик ёдгорликлар маж-
мун қашф этилди. Бу ибтидоий кончиллик қолдиқларидан
топилған турли хил ашёвий топилмалар бундан 5—7
минг йил муқаддам Марказий Осиёда, хусусан Узбе-
кистон ҳудудида илк бор төр саноатига асос солингани
маълум бўлди. Бу осорнантиқаларни синчиқлаб ўрга-
ниш билан Қуни Зарафшонда ибтидоий маданият из-
ларининг тарқалған ҳудудлари белгиланиб, Бухоро та-
рихи дебочасининг очиқ сахифалари бирмуича тўлди-
рилди ва бойнитилди.

САМИШСОЙНИНГ ҚАДИМИЙ СУВРАТКАШ-ОВЧИЛАРИ

Үчтут шахтаси ва унинг атрофида археологик тадқиқот олиб борилар экан, қадимий Сангбурдан шарқроқда Қоратогиниг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой дарасида ибтидоий маданиятнинг яна бир нодир обидаси — қоятошларга битилған петроглифлар қайд этилди. Ибтидий тасвирий санъатиниг ажойиб намуналаридан ҳисобланган Сармишсойнинг қоятош расмлари Қуий Зарафшонда яшаган қадимги овчиларнинг ҳаётси, эътиқоди ва маданиятини ўрганишида узига хос манзарали манба булиб, улар ўлканнинг утмини табиати, хусусан ҳайвонот дунёси, овчиллик билан боғлиқ бўлган қадимги расм-руслар түғрисида жуда қимматли маълумотлар беради.

Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки бетида қад кўтарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий қисми учли асбоблар воситасида сурункасига зарб билан ёки утқир қиррали кескичлар воситасида чизиб ёки тарашлаб чизилган. Минг йиллар оша уларнинг энг қадимий нусхалари қўёш ва шамоллар таъсирида унниқиб, корайиб кетган бўлса-да, улар чошгоҳ, кеч пешинларда кўзга яққол ташланади. Қуий Зарафшоннинг номаътум қадимги рассомлари томонидан моҳирона ўйиб ёки чизиб ишланган бу жозибали тасвирий санъат обидаларнинг манзараси ранго-ранг ва мазмуни инҳоятда бойдир. Сармишсой қояларида якка ҳолда осойишта турган узун шоҳли елкадор турлар ва ёввойи буқалар, шоҳлари атрофга буталаб кетган буғу ва булонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бирбири билан олишаётган турли хил ёввойи ва хонаки ҳайвонлар тасвирланган. Улар орасида овчилар ва ов манзараларига бағишланган нусхалари айниқса сермазмун ва жозибалидир. Масалан, Сармишсойнинг чап соҳилидаги қоялардан бирида белига садоқ (ўқдон) тақиб олган ва қўлига камон тутган овчиннинг бўксасидан ўқ егаи така томон югуриб бораётгани, така эса яралаганига қарамай жон-жаҳди билан қочиб кетаётгани ҳолатлари ифода этилган. Яна бир расмда кўплашиб ёввойи ҳайвонларни ураб олиб, туваётгани овчилар тасвирланган. Расмлардан бирида овчи ола буқанинг олдинда туриб камондан ўқ узмоқда. Овчилардан бири тўнғизни уриб йиқитган. Овда сайёдлар билан бир қаторда қатнашган този итлар тасвирланган манзаралар ҳам

бор. Расмлар орасыда от чоптириб кетаётган چавондоз-
нинң ёки олис-олисларга йўл олган түя карвонларининг
тасвиirlари айниқса диққатга сазовордир.

Шуни таъкидлаши ўринилки, бу тасвирий санъат ёд-
горликларида қадимги овчи қабилаларнинг овчиллик би-
лан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятларигина эмас, бал-
ки уларнинг сураткашлик маҳорати, айниқса уларда ҳў-
жалик билан боғлиқ бўлган ҳаётий мушоҳадалари, ижо-
дий маҳоратлари ҳам ифодаланган.

Бу нодир ибтидоий тасвирий санъат ёдгорликлари-
нинг тадқиқотчиси Абдужаббор Кабировнинг ёзишича,
Сармишсои ҳамда Биронсои қоятош суратлари, асосан
овчиллик ҳамда чорвочиллик билан кун кечиргани қадимги
чорвадор қабилаларнинг тасвирий санъат намуналари-
дан бўлиб, улардан энг қадимиysi милоддан аввалги
II минг йилликка мансубдир. Бу даврда ибтидоий деҳ-
қончилик ҳўжаликлари шаклланиб, ривожлана бош-
лайди. Зарафшон ва Қашқадарё водийларининг қўйи
этакларига жойлашган Бухоро воҳасининг қадимий та-
биати чор атрофи даштиклар билан үралган дарёвот
адогларининг серсувлиги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси-
нинг ранго-ранглиги, беҳад яйловларию сувлотлари бу
ҳўжаликнинг қарор топишида муҳим роль ўйнайди.

ЗАМОНБОБОЛИК БОБОДЕҲҚОНЛАР МАСҚАНИ

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларига
бориб Зарафшон дарёсининг жўш уриб ҳайқирган қа-
димги оқими анча-мунча сусайиб, Моҳондарё ӯзани бўй-
лаб муттасиъ уриб турган унинг тошқин сувлари аста-
секин камайиб борган. Ниҳоят милоддан аввалги II
минг йиллик давомида Моҳондарё ва Гужайли ӯзанлари-
нинг қўйи қисмларига сув етмай, Катта тузкондек қа-
димги кўл деярли қуриб қолган. Худди шу даврдан бош-
лаб Зарафшоннинг Моҳондарё орқали Амударёга қу-
йилиши барҳам топиб, бу икки дарёнинг қадимги ало-
қаси бутунлай узишган. Моҳондарё ва Гужайли ӯзанла-
ри қўйи қисмларининг қуриб қолиши оқибатида, бу ҳу-
дуддаги янги тош давридан (милоддан аввалги V—III
минг йиллик) яшаб келаётган аҳоли ўз маконларини
тарк этиб, суви камайиб қуриб бораётган ӯзанлар бўй-
лаб, уларнинг юқори оқими томон кўчгани кузатилади.
Бу манзарани Моҳондарёнинг ҳар икки ӯзанлари бўй-
лаб, милоддан аввалги II минг йилликка мансуб архео-

логик ёдгорликлар ва айрим топилмаларнинг тарқалган майдонлари чегарасидан яқол кўриш мумкин.

Бу даврда аҳоли Каттатузкондан 20 км юқоридаги Замонбобо кӯли, Кичиктузкон, Қаптарниқуми ва Моҳонкул ҳамда қадимги Пойканд кӯли атрофларига келиб ўрнашган. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги II минг йиллик ва милоддан аввалги I минг йиллик бошларига мансуб археологик ёдгорликлар ва айрим топилмалар Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг юқори қисми ҳамда Пойканд атрофларида учрайди. Бу ерларда бир неча йиллар давомида 30 дан ортиқ археологик ёдгорликлар топиб, урганилди. Бу ёдгорликларнинг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан, иккинчи қисми эса чорвачилик ҳамда қисман деҳқончилик билан шуғулланган аҳолига мансуб булиб, улардан биринчиси милоддан аввалги II минг йиллик биринчи ярми, иккинчиси эса шу минг йилликнинг охири ҳамда милодгача бўлган I минг йилликнинг бошлари билан саналанади.

Топиб гекширилган бу ёдгорликлар ва улардан чиқкан турли хил ашёвий топилмалардан аниқланишича, бу даврга келиб қадимги бухоролик — қоракўлликлар ҳәтида иккя янги хўжалик — ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик шаклланиб, улар аҳоли ҳәётининг асосий тирикчилик манбаига айланган. Овчиллик ва балиқчилик шу даврдан бошлаб иккинчи даражали ёрдамчи хўжалик бўлиб қолган. Бу, шубҳасиз, Бухоро ва Қоракўллининг қадимги аҳолиси ҳәтида янги тарихий давр бўлиб, ўлка аста-секин обод этилиб, уни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштиришга киришилганидан, унинг аҳолиси эса батамом ишлаб чиқариш хўжалигига (гарчи у хали бошлангич ҳолатда бўлса-да) кўчганидан далолат берар эди.

Бу даврга мансуб археологик ёдгорликлар орасида Замонбобо кӯлининг шимолий соҳилида қайд этилган ибтидсий деҳқонларнинг қабристони ҳамда кўлдан 500 м шарқда — Гужайлиниг қуриб қолган қадимги ўзани ёқасида қазиб очилган туар жой харобалари айниқса диққатга сазовордир.

Маълумки, замонбоболик ибтидоий деҳқонлар қабристони 1950 йилда Я. Ғуломов томонидан топилиб, 1951—1953 йиллар мобайнида қазиб, урганилди. Уз даврида Бухоронинг ибтидсий жамият тарихини ўрганиш масаласида бурилиш ясаган бу ёдгорликининг топилиши тасодифий бўлмай, унда Я. Ғуломовнинг Хоразмда С. П. Толстов билан ҳамкорликда олиб борган кўп йил-


лик археологик тадқиқотларидан түпланған улкан таж-рибаси, айниқса, уннинг ибтидоий деҳқон жамоаларининг турмуш тарзи, истиқомат қилиш мүмкін бўлган қади-мий географик мұхит, қолаверса тарихий ўтмиш оқибат-лари изларини кўз олдига яққол келтира олиши жуда кўл келган эди. Шу сабабли бўлса керак, тақир тупроқ орасида фавқулодда топиб олинган камон ўқининг тошдан ясалган пайкони бу нодир обиданинг кашфиё-тига турткі бўлган. Чунки Замонбобо кўли соҳилица жойлашган бу қадимги гўристоннинг кўзга ташланади-ган бирорта ҳам белгиси бўлмай, усти бироз қумликлар билан қопланган текисликлардан иборат эди. Бизнинг давримизгача қабристондаги қадимий гўрларининг фақат остки лаҳад қисмларигина сақланиб, уларнинг гирди ҳам текисланиб, мутлақо билинмай кетган, Қабрларнинг супа ва устки гумбаз қисмлари асрлар давомида тупроқ эрозияси оқибатида емирилиб, кучли шамоллар на-тижасида йўқ бўлиб кетган. Қазиб очилган 46 та гўр қолдиқларидан 8 тасида жуфт, 28 тасида эса якка ҳол-да дағи этилган жасад скелетлари қайд этилди. Ҳатто иккى қабрда катталар ёнинг ёш бола жасади қўмилганиг аниқланди. Сақланиб қолган скелетларнинг ҳолатига қараганда, жасадларнинг деярли ҳаммаси ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб, ғужанак тарзда дағи этилган.

Қазишмалар жараёнида эркаклар дағи этилган қабрларда, асосан ўқ-ёй пайконлари, пичоқсимон тош қуроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар, аёлларга мансубларидан эса, сопол идишлар билан бир қаторда жез кўзгу, упадон, сурмадон ва қаламқош каби косме-тика буюмлари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо жил-вир тошлар: ложувард, феруза, ақиқ, сердолик ва бош-қалардан ясалган турли шаклдаги мунчоқ ва маржонлар қайд этилди. Топилмалар орасида аёл ҳайкалчаси, ҳо-вонча дасталари, олтин мунчоқ ва бошқалар айниқса диққатга сазовордир.


Хуллас, қазиб очилган қадимги қабрлар, уларда қайд этилган ашёлар бир томондан, ерга ишлов берувчи меҳ-нат қуролларининг ҳали такомиллашмаганидан, улар билан гўр қазиш ниҳоятда мashaққатли бўлганидан, тор-танқис қабрларга марҳумларни букиб кўмиш одат тусини олганини кўрсатса, иккинчи томондан эса қурол-яроқ, ҳатто аёл мурдаларини безаклари билан, идиш-товоқтарда эса емакликлар билан дағи этиш Қоракўл-нинг ибтидоий деҳқон аҳлида қадим замонларда ёк у дунёга ишониш эътиқоди мавжуд бўлганидан далолат беради.



1-расм. Тоқизаргарон яқинидаги археологик қазишма. 1974 йил.
Бухоро шаҳри.



2-расм. Мирараб мадрасасын яқинидаги археологик қазишма. 1977
йил, Бухоро шаҳри.




З-расм. Бухоро Арки археологик қазышмасининг остиш маданий қатлаулари кесими. 1980 йил.




4-расм Бухоро Арки, археологияқ қазиңшма (умумий күрниси).
1973—1974 йиллар.




5 рәсм. Мил. авағы V—III минг нилдіктерге оңд дарвозақтар-
лекелер чайласп (қайта тұнған). Қоректүл тұман.



6-расм. Құмработ, қадымғы дедқончылар тураржойы. VI—V асрлар, Конімек тұмани.




7-расм. Мил. аввалги VI—V асрларга оңд Арабон-І қадимғы дәх-
ңенчмилек туаржойи, тарх. Конимек тұмани.



8 рasm. Мил. аввалги VI—V асрларга оид Чордара қадымги дәх-
қоңғарыннанға истеүкомлы тураржойи. Конимек тұмани.



9-расм. Мил. аввалғы VII—VI асрларға оңд кува-
часымон сопол идіш. Қалқонота қабристони.




10-расм. Мил аввалги VII—V асрларга оид сопол идишлар. Қал-
донота қабристони, Қумрабод туаржойи. Конимек тумани



11-расм. Мил. аввалги IV—III асрларга оид сопол қадағлар. Бу-
хоро шаҳри.




12-расм. Сопол ҳайкалчалар. Бухоро шаҳри.



13-расм. Милодий I—III асрларга оид подшо Гиркоддининг кумуш тангаси. Қызылқир, Ромитан райони.



14-расм. Милодий X–XI асрларга оңд пеша идишлар. Бухоро шаҳри



15 рasm. Милодий X—XI асрларға оңд фыл сүлгидан ясалған нардашлары. Бухоро шаҳри.



16 рasm Милодий X—XI асрларга оид шына алембика ва сурмадон. Бухоро шаҳри.



17-расм. Милодий XI—XII асрларга оид созандачи аёллар тас-
вирланган кошилии сопол идиш бўлаги. Бухоро шаҳри.

Бухоронинг ибтидойи дәққонларига мансуб обидаларни топиб ўрганишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан яна бири — археолог А. Асқаров бўлди. 1961 йилнинг кузидан у Замонбобо кўлидан 500 м шарқроқда Бужайли дарёсининг қадимги қўриқ ўзининг ўнг соҳилида жойлашган ибтидойи дәққонларнинг туаржой қолдиқларини топиб, текширди. Ибтидойи дәққонларнинг бу қадимги қишлоғи ярим ертўла ва тақир устига ўринатилган иккита енгил чайладан иборат бўлиб, улардан бири бизгача жуда яхши сақланган. Аҳолиси томонидан ташлаб кетилган бу туаржойлар кўчма қумлар остида кўмилиб қолган. 1961—1964 йилларда олиб борилган қазишлар туфайли бу — қадимги дәққонлар қишлоғи қолдиқлари тўла қазиб, синчиклаб ўрганилди.

Унинг умумий майдони, чайлаларнинг тархи, тузилиши, ишлатилган қурилиш материаллари, қайд этилган ашёвий қолдиқлар асосида бу ерда истиқомат қилган ибтидойи дәққон жамоасининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг айрим томонлари аниқлаб олинди. Қазиб очилган биринчи туаржой ярим ертўла шаклидаги каттагина чайладан иборат. Унинг пойдевори тақир устига бир метрча чуқурликда ўйиб ишланган. Чайланинг узунлиги 23,5 м, кенглиги 9 м га teng. Чайла ичи ва атрофида устун ўринатиш мақсадида ковланган чуқурчаларга қараганда, чайла синчкори бўлиб, деворлари юлгун навдаларидан четан қилиб тўқилган, атрофига лўмбоз босилиб, томи қамишлар билан иккнишишбли қилиб ёпишган. Бу туаржойнинг умумий майдони 170 кв м бўлиб, унда 60—65 жон истиқомат қилган. Чайланинг ичи ва ташқарисида бир нечта ўчоқ ўринилари, хўжалик үралари, улар теварагида сопотидиши бўлаклари, турли хил тош қуроллар, хонаки ҳамда ёввойи ҳайвои (эчки, қўй, қорамол, кийик, тўнғиз), парранда, балиқ суюклари, шунингдек ақиқ, ложувар ва сердолик каби жилвири тошлардан ясалган мунчоқ, маржон каби тақинчоқлар, жездан ясалган кўзгу парчалари сочилиб ётарди.

Бу қадимги жойининг ҳовлисидан топилган хонаки кулолчилик хумдонининг қолдиқлари айниқса ноёб топилмалардан бўлиб, у Замонбобо ибтидойи дәққонлар хўжалик ҳаётининг муҳим саҳифаларини аниқлаб олиши имконини берди. Диаметри 90 см ли бу хонаки хумдонча ноксимон шаклда қурилиб, ўртасида лой устунча, тепаси гумбазли, ташқариси сомонли лой билан сувал-

ган. Бир томонида оловхонаси булиб, гумбазидан бир нечта дудбурон тешикчалар қўйилган.

Замонбоболик ибтидойи деҳқонларнинг бу қадимги кишилоги Гужайли қўйи ирмоқларидан бири уч томондан ўраб ўтган бурунда жойлашган. Шу сабабли у шубҳасиз, мавсумий дарё тошқини ҳавфи остида бўлган. Бундай ҳавфни олдини олиб, уни бартараф этиш мақсадида қароргоҳ шарқ ва жануб томонлардан маҳсус кўтарма банд — марза билан ўраб олинган. Дарё тошқинига қарши барпо этилган бу қадимги иншоотнинг узунлиғи 10 м кенглиги 2м га тенг, бизгача 20—25 см баландликда сақланган. Бу ўзига хос ноёб осориатиқа намуналаридан булиб, Бухоро воҳаси ҳудудида қайд этилган дастлабки энг қадимги сув иншооти қолдиги эди. У, шубҳасиз сув иншоотлари — бандлар воситасида дарё тошқинларини бошқариб, сунъий суғориш барпо этила бошлаганидан гувоҳлик беради.

А. Асқаровнинг ёзишича, Замонбобо қабристони ва қароргоҳида топилган ашёвий қолдиқлар бир-бирига жуда ўхшаб, улар қадимги замонбоболиклар, асосан деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан кун кечирганиларидан гувоҳлик беради. Топилган кўпдан-кўп тош асбоблардан: ёргуchoқлар, чақмоқтошлардан ясалган ўроқ тиши қадамалари ҳамда бошоқли усимликлардан жайдари арпа ва буғдой доилари, сомон қолдиқларини назарга олсак, Гужайлининг тошқин сувларини атрофга тараб деҳқончилик қилган қадимги замонбоболиклар этиштиргаи ҳосилни қадама тош ўроқларда ўриб, доиларини ёргуchoқларда ёрма қилиб арпа ёки буғдой гужа, кўмоч ва қўғирмоч ҳамда ҳалим каби емакликлар тайёрлаб, истемол қилганликлари эҳтимолдан узоқ эмас. Қазишлардан чиқсан уй ҳайвонлари суюкларига қаранганд, улар қадимги Гужайли воҳачасига туташиб кетган кенг яйловларда эчки, қўй ва қорамол боқиб, чорвачилик маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Чорва молларининг гўшти ва ёғидан ташқари, сутидан мой олиб, турли хил ичимликлар ва емакликлар: ширхўрда, ширқовоқ, қатиқ, сузма (чакки), қурт, қуртоба ва ҳоказолар тайёрлаб, истемол қилганлар. Қазишларда топилган айрим урчуқ тошлар ҳамда суюкдан ясалган сўзан ва игналарга қараб фикр юритилса, ҳайвонлар терисидан ташқари, улар эчки ва қўйларининг жунини қирқиб, ундан ип йигириб кийим-кечаклар учун жунмато тўқиганлар, кигиз босиб, босма жун чакмонлар тайёрлаган бўлишлари ҳақиқатдан узоқ эмас.

Бу даврда касб этилган иккι янги хўжалик: деҳқон-

чилик ва чорвачилик маҳсулотларининг доимий ва ишончли бўлиши туфайли тирикчилик қилиш тубдан енгиллашди. Одамлар тирикчиликдан бирмунча бўшаб, бироз дам олиш, йигилиб сухбат қилиш имконига эга бўладилар. Қабрлардан чиқсан турли хил тақинчоқлар, сурмадон, қаламқош, упа-элик солинган сопол идишчалар ва жез кўзгуларга қараганда, қадимги замонбоболик аёллар мол-хол ва бола-чақадан орттириб, ўзларига оро бериш учун вақт топа олганлар.

Қайд этилган ашёвни топилмаларга қараб фикр юритилса, замонбоболиклар жамоасида ҳунармадчилликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, жезни эритиб ундан асбоб, аёллар тақинчоқлари ва қуроллар қўйиш металлургияси, тошини ишлаш техникаси айниқса ривож топган. Сопол идишлари асосан қўлда ясалган. Уларниң нақисиз, тухумсимон ва ясси тубли, қисман чархда ишлангацлари ҳам учрайди. Топилмалар орасида қўшини Бақтрия ёки Марғнанада ясалган идишлар ёки Бадахшон ложувардидан ишланган безаклар ҳам булиб, шубҳасиз улар замонбоболикларининг ўзларидан жануброқда яшаган ўтроқ деҳқон жамоалари билан ҳамда шимолроқда истиқомат қилувчи чорвадор аҳоли билан ҳам қандайдир айрбош савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради. Бу ёдгорликлар комплекси ўзига хос характерли белгилари билан тарих фанига «Замонбобо маданияти» номи билан киритилди. А. Асқаровнинг таъкидлашича, Замонбобо маданияти жанубининг ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган, у хонаки чорвачилик ва мотига (кетмонча) деҳқончилиги билан кун кечирган Бухоронинг туб маҳаллий аҳолисига мансуб булиб, даставвал у милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан саналанган. Кейинчалик Сурхондарё воҳасида қадимги ўтроқ деҳқончиликнинг «Сополли маданияти»га мансуб қатор осоринатиқаларининг топилиб, тадқиқ этилиши билан «Замонбобо маданияти» даврига бирмунча аниқлик киритилиб, ҳозирги вақтда у милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари билан белгиланмоқда. Чунки милоддан аввалги 1750—1500 йиллар билан аниқ саналанган «Саполли маданияти» ёдгорликларининг сўнги босқичига мансуб қабрлардан Замонбобо топилмаларига айлан ўхшаш сопол идишлар ва жездан ясалган ашёлар қайд этилади. Бу икки хил маданият изларининг биргаликда учраши, шубҳасиз, Сополлининг қадимги ўтроқ деҳқонларининг сўнги ворислари замонбоболиклар билан бир даврда ёнма-ён яшаганикларидан ҳам-

да улар бир-бирлари билан яқиндан мулоқотда бұлғанидан, қолаверса оқибатда бир-бирлари билан қон-қариндош булиб кетганидан далолат берар әди. Бундай тарихий манзаранинг топилмаларда қайд этилиши эса, шубҳасиз, Замонбобо маданиятн даврига берилган дастлабки санани бирмунча ёшартириш учун етарлік даражада асос бүлди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг урталарида, яъни ҳозирги кундан қарийб 3—3,5 минг йил муқаддам Бухоро воҳасининг дарё адоқларида эндигина ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачиллик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бүлди, улар ҳам пахса ёки хом гиштлардан қурилган монументал иморатлардан эмас, балки айрим ертула ва чупкори енгил чайлалардан иборат тураржойлардан ташкил топган. Бу илк қишлоқларда хонаки ҳунармандчиликнинг кулолчиллик, мисгарлик, сангтарошлик, тўқимачиллик каби турларигина мавжуд бўлса-да, аммо ҳали улар касб-ҳунарнинг ривож топган мустақил соҳаси даражасига етиб бормаган әди.

ҚОРАҚУЛНИНГ ИБТИДОИЙ ЧОРВАДОРЛАРИ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Зарафшон оқими аввалига нисбатан анча-мунча сусаяди. Қоракўлнинг Замонбободаги ибтидоий деҳқонлари суви қуриб бораётган қадимги Гужайли ерларини ташлаб, Зарафшонининг суви доимий оқиб турадиган асосий ўзанлари ёқасига яқинроқ жойларга кучиб бориб ўрнашишга мажбур будади.

Худди шу замонларда шимолдан, Сирдарёning ўрта ва қуйи оқими ҳудудларидан, қадимги Хоразм ерлари орқали асосан чорвачиллик ва қисман деҳқончиллик билан шуғулланган ярим кўчманчи қабилаларнинг каттагина гуруҳининг Зарафшон водийси яйловларига, айниқса, дарё адоқлари атрофига келиб ўрнашгани кузатилади. Бу ибтидоий чорвадорлардан сақланиб қолган моддий маданият обидалари даставвал Енисей дарёси бўйларида — Андроново, сунгра Қорақалпогистоннинг Тозабогёп деган жойларидан топиб, текширилгани учун у тарих фанида «Андроново ва Тозабогёп» маданиятлари номи билан шуҳрат топади.

Бу маданиятга тегишли аҳолини археолог олимлар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Қозогистон даштларидан Марказий Осиёнинг шимоли-

шарқий ҳудудлари орқали келган чорвадор қабилаларга мансуб келгинидилар деб атадилар. С. П. Толстовнинг фикрича, уларнинг вакиллари қадимги Хоразм ерларида дастлаб милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган. Қайд этилган ва тадқиқ қилинган кўпдан-кўп осорнотиқалардан маълум бўлишича, келгинди чорвадор аҳоли ўша замонларда Марказий Осиёнинг дашт ва тоғ ён багри яйловларида яшагандар. Уларнинг қисқа муддат истиқомат қилган маконларининг қолдиқлари, айрим гўристонлари биргина Зарафшон водийси этакларида 26 жойда, Қашқадарё адогида кўхна Пойканд кўли атрофида 5 пунктда, Вобкентдарёнинг қадимги дельтасида Хўжазаъфарон қудуги яқинида 2 ерда тошиб ўрганилди.

Топиб текширилган археологик обидаларнинг тарқалган жойларига қараганда, Кўйи Зарафшоннинг бу янги аҳолиси асосан Гужайли бўйлаб Қичиктузкон ва Замонбобо атрофларига ҳамда Қашқадарёнинг қуни оқимида жойлашган қадимги Пойканд кўли ёқасига келиб ўришган. Айниқса Қичиктузкон ва Замонбободан жонуби-гарбда жойлашган Қаптарниқуми, Қамишли ва Ҳўқизқудуқ атрофларига қайд этилган ўнлаб манзилгоҳларнинг унчалик қалин бўлмаган қатламлари ва бу маданий қатламларининг интенсив шамол эрозияси оқибатида емирилиб, улар орасидаги сопол идиш парчалари ва микролит тош қуроллар ҳамда жез буюм бўлакларининг гоҳ тақир устида, гоҳ қумликлар орасида ҳар томонга сочилиб ётиши, ўша замонларда бу музофотда ҳаётнинг жуш уриб қайнаганидан далолат беради.

Бу қадимги подачи қабилалар яратган маданиятни, хусусан уларнинг турмуш тарзи, дағи маросимлари, ҳунармандчилик даражаси ҳатто ташки қиёфаларини тадқиқ этишда мозорларда қайд этилган топилмалар диккатга сазовордир. Кўйи Зарафшоннинг Замонбобо кўли яқинидаги Гужайли соҳилида даставвал 5 та қабр 1951 йилда Я. Фуломов томонидан қазиб ўрганилди. Иккинчи мозор 1958 йилда сўнгги антик давр қўрғони Қизилқирнинг пастки қатлами остидан ковлаб очилди. Қабрлар, асосан ёрма гўр шаклида бўлиб, марҳумлар оёқ-қуллари букилиб, бир ёнига ёнбошлатиб, боши гарб томонга қаратилган ҳолатда дағи этилган. Ҳар бир скелет ёнида ботирма чизиқ нақшлар билан безатилган туваксимон сопол идишлар, аёллар қабрларида тош ва жездан ясалган турли хил тақинчоқлар учрайди. Қадимги Хоразмнинг Оқчадарё дельтасида қазиб ўрганилган кўплаб ёдгорликларга қараганда подачи қабилалар сув

бўйларида бир ёки икки оиласарга мўлжалланган унчалик катта бўлмаган тўртбурчак, марказида манқали бўлган ярим ертула чўпкори чайлаларда яшаганлар. Дарё адолига сақланиб қолган майдо сугориш тармоқларига қарганда, улар яйлов подачилигидан ташқари, сугорма деҳқончилик билан ҳам машғул бўлганлар. Уларда хонаки кулолчилик бирмунча ривожланган бўлиб, кўпроқ сиртига турли шаклдаги геометрик шакллар, тўлқинсимон чизиқлар ёки бошоқсимон нақшлар тортилган туваксимон идиш-товоқлар ясаб, ишлатганлар. Қалайни ва мис қоришимасини эритиб, жездан пичоқ, бигиз, қармоқ, кўзгу, исирға, билакузук, мунчоқ ва тўғиогич каби турли хил буюм ва тақинчиқлар ясаганлар. Ургут яқинидаги Мўминободда қазиб очилган қабрларда қайд этилган зеб-зийнатларга қараганда улар олтин ва кумушдан нозик исирға ва ҳар хил тақинчиқлар ясашни билганлар. Ҳатто суюқдан сибизга ясаб, яйловларда уни чалиб юрганлар. Айрим сопол бўлакларида сақланиб қолган мато изларидан маълум бўлишича, бу подачи жамоалари жун йигириб, ундан турли хил матолар тўқийидиган хонаки тўқимачиликдан ҳам хабардор бўлганлар.

Зарафшон этакларинда, хусусан ҳозирги Қоракўл тумани атрофида милоддан аввалги II минг йилликнинг охиргиchorагида келиб ўрнашган бу янги аҳоли аввал қадимги замонбоболик деҳқон жамолари билан ёнмаён яшаган, кейинчалик эса улар билан аралашиб қоракўлнинг туб аҳолисига айланган. Бунинг оқибатида бўлса керак, антрополог олимлар бу подачи аҳоли антропологик тип жиҳатидан замонбоболиклардан мутлақо фарқ қилмаслиги, замонбоболиклар эса, Сурхондарёнинг Сополлик маданиятига мансуб ўтроқ деҳқон аҳолиси билан бир қиёфада эканини қайд этмоқдалар.

Шундай қилиб, келтирилган археологик маълумотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, Қуйи Зарафшонда милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида ва милоддан аввалги I минг йиллик бошларида яшаган ибтидоий қабилалар «Андронов — Тозабоғён» маданиятига мансуб булиб, гарчи уларнинг келиб чиқиши Жанубий Сибирнинг кўчманчи чорвадорларига бориб тақалса-да, аммо асрлар давомида Жанубий Қозогистон, Хоразм ва Марказий Осиёнинг дашт ҳамда водийлари аҳолиси билан олиб борган узлуксиз мулоқотлари оқибатида ерли деҳқон ва чорвадор жамоаларига аралашиб кетган ва қадимги Суғд маданиятининг шаклланишида маълум даражада иштирок этган. Худ-

ди уша замонлардан бошлаб, Зарафшон этаклари, хусусан ҳозирги Олот, Қоракүл, Жондор ва Ромитан ат-рофларида чорвачилик ривож топиб, бу жойда Бухорининг қадимги чорвадор аҳолиси учун кенг яйлов, овчи ва балиқчилари учун қулай овлоқ масканга айланган.

ҚУМРАБОТДА ҚАЗИБ ОЧИЛГАН ЭНГ ҚАДИМГИ ҚИШЛОҚ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Марказий Осиёнинг даштлик ерларида яшаётган аҳолининг ҳаётида содир бўлганидек, Зарафшон водийси қуйи қисмидаги қабилаларнинг чорвачилик хўжалигида ҳам тез суръатлар билан юксалиш жараёни кузатилади. Дарё адогининг табиий жиҳатдан деҳқончилик учун қулай майдонларида ярим кўчманчи чорвадорларнинг маълум қисми ўтроқлашиб, янги-янги деҳқон жамоалари шаклана бошлайди. Аммо суви қуриб бораётган Мохондарё, Гурдуш ва Гужайли ўзанларининг даштликка айланиб бораётган ҳавзасининг географик шаронти аҳолиси кўпайиб тобора кенгайиб бораётган ўтроқ ҳаёт учун нобоб ва истиқболсиз бўлиб қолади. Ярим чорвадор ва ярим деҳқон қабилалар бу қадимги ўлкани тарқ этиб, ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-гарбий қисмларига — Қизилтепа ва Вобкентдарё адоқларига томон силжигани кузатилади. Варахшадан 20 км ғарбда, Боштепа гуруҳи номи билан машҳур бўлган ёдгорликлар теварак-атрофига; Қизилтепадаги Хўжабустон Бояздий шаҳар харабасининг остки қатламларида қайд этилган сўнгги жез даври топилмалари бунинг ёрқин далилидир.

Айни шу даврда Зарафшон водийсининг юкори ва ўрта қисмларида сон-саноқсиз сой этакларида, чашмалардан ҳосил бўлган сизот сувлар ёқаларида ўтроқ деҳқон жамоалари қишлоқлари пайдо бўлиб, уларнинг ат-рофдаги чорводор аҳоли билан бўлган мулоқати кучайиб боради. Бир томондан, деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг юксалиши, иккинчи томондан, касб-хунарни, хусусан маъдан эритиш ва ундан қурол-яроғ, асбоб-ускуна ва зеби-зийнатлар ясашининг ривож топиши, учинчи томондан эса, деҳқон ва чорвадор аҳолилар ўртасида айрбуш савдонинг кенгайиб бориши Зарафшон водийсида ҳам урбанизация жараёнини кучайтириб, қадимги Суид маданиятининг шаклланишига олиб келади. Бу жараён, шубҳасиз, ишлаб чиқаришда янги хом ашё — темирни тоблаб, ундан қурол-яроғ ясашга ўтиш билан

чамбарчас боғлиқ бўлиб, археология фанида бу давр алоҳида «Темир даври» номи билан юритилади. У ми-лодгача бўлган I минг йилликда бошланган.

Қадимги Сугд маданиятига мансуб урбанизациялашган дэҳқон ва ҳунарманд жамоаларининг милодгача бўлган VII—V асрларга мансуб қишлоқлари аввал Үрта Зарафшонда, ҳозирги Самарқанд шаҳри ва унинг теварак-атрофларидағи чашма сувлар ва сой жилғалари бўйида қад кутариб, сунгра аста-секин Зарафшон водийси бўйлаб янги-янги ерлар ўзлаштирилиб, унинг қуйи қисми томон силжиб боради. Навоий вилоятининг Қалқонота ва Конимех туманлари, Бухоро вилоятининг қадимги Варахша ерларидан гарброқда қайд этилган бундай қишлоқларнинг ҳаробалари ва мозор кўргонларга қараб фикр юритилса, милодгача бўлган VI—V асрларда фақат ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-гарбий ҳудудларигина (Конимех ва Вобкент-дарё адогидаги ерлар) ўзлаштирилиб, бу ерларда ўтроқ дэҳқончилик қишлоқлари қад кутара бошлагани кузатилади. Бироқ, воҳанинг асосий қисми ҳали чакалакзор ва қамишзор партов ерлардан иборат бўлган. Чунки бу даврда ҳам Зарафшон сувлари водийнинг Самарқанд қисмидаги дэҳқончилик учун мутлақо сарф бўлмай, унинг йиллик оқими Бухоро ерларида халқоб бўлиб ётар, ҳатто унинг этагида (ҳозирги Қоракўл ва Олот туманлари ҳудудлари) илк ўрта аср ёзма манбаларида тасвиранган машҳур «Боргини Фароҳ», яъни «Улкан кўл» ҳосил бўлган эди.

Бухоро воҳасида энг қадимги қишлоқлар пайдо бўлиш жараёнини X аср Бухоро тарихини Муҳаммад Наршахий қуйидагича таърифлаган: «Аввал улар, бу ерга кўчиб келганлар, чодир ва ўтовларда турар эдилар, сунг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар... Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди»¹⁷.

Дарҳақиқат, Варахша ва Конимех атрофларида қайд этилиб, тадқиқ қилинган милоддан аввалги VI—V аср дэҳқончилик қишлоқлари ўрнашган ерларининг географик шаронти Наршахий тасвирилаган қадимги манзарани эслатади. Қишлоқ ҳаробаларининг деярли ҳаммаси дарё тармоқларининг ариалари ёқасида жойлашган. Сувга яқин бундай ерларда майда сугориш тармоқлари воситасида сув боғлаб дэҳқончилик килиш

¹⁷. Наршахий. Бухоро тарихи. 16 бет.

учун анча қулай бұлған. Бундай қишлоқларнинг харобалари Конимек тумани марказидан 5 км ғарброқда Құмрабод, Арабон-1, Арабон-2 ва Чордара деган жойларда айниқса яхши сақланған. Бу ёдгорликтерин, жумладан, Құмрабод қишлоқ ҳаробасиниң синчикалық қазиб очиш билан Бухоро воҳасида, хусусан, унинг шимолида қад күттарған илк қишлоқларнинг қачон қурила бошлагани, тархи — иморатларининг тузилиши, хўжалик ҳаёти, айниқса ҳунармандчилик билан bogлиқ бўлған жуда кўп масалаларга ойдинлик киритилди. Милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб бу иодир ёдгорлик Чордарарадан жанубда, Құмработ қишлоғидан 0,5 км жануби-гарбда жойлашган. Ёдгорликнинг шимолидан ўтказилган коллектор туфайли, үнинг бир қисми бузиб юборилган. Қишлоқ ҳаробасиниң сақланиб қолган қисмининг майдони 0,25 гектарга (45×50 м) тенг бўлиб, у 9 хонали улкан уй, ҳовлиси ҳамда кулолчилик устахоналари бор, атрофи қални девор билан ўралған мустаҳкам қўргондан иборат. Қўргон ва иморат деворлари пахсадан урилган, қалинлиги 1,2—2,2 м, 0,6 м баландликда сақланған. Кулолчилик устахонаси алоҳида қўргоннинг шарқий томонида жойлашган. Ундан сопол идишлар пишириладиган диаметри 1,1 м бўлған икки кўрали хўмдон қазиб очилиб, унинг юқори кўраси бузилиб, оловхонаси ичига қулаб тушган. Унинг ичидаги кулолчилик чархида ясалган кўпдан-кўп лаби юпқа, гардиши ясси жарапдор кува ва кувачасимон, мисқозон ва тоғарасимон сопол идишлар ва уларнинг бўлаклари қалашиб ётар эди.

Конимехнинг VI—V аср археологик ёдгорликлари орасида туман марказидан 5 км ғарбда жойлашган Чордара тепалиги айниқса диққатга сазовор. Унинг майдони 40×20 м, баландлиги 11 м га тенг. Бу баланд тепаликининг остки қатлами узунлиги 56 см, эни 28—30 см, қалинлиги 7—8 см бўлған йирик ҳажмдаги тўртбурчакли хом гишталардан ҳамда пахсадан бино қилингандан искеҳкомли қўргоннинг ҳаробасидан иборат бўлиб, ташки девори ва бир нечта хоналарида равоқсимон эшик ўринлари ҳозиргача жуда яхши сақланған. Қадимги Конимех воҳасида яшаган ўтроқ дәхқонларнинг мозор қўргонлари Шодибек ҳамда Калқонота қишлоқлари яқинидаги қазиб ўрганилди. Гарчи қабрларининг аксарияти ўша даврларда ёқ қазиб очилиб, дағи ашёларни ўғирлаб кестилган бўлса-да, баъзи далиллардан ўша давр дағи маросими тўғрисида айрим маълумотларни тўплаб, фикр юртиш мумкин бўлди. Мозор қўргонлар диамет-

ри 7—18 м, баландлиги 0,5—1,5 м ли яссиланиб кетган гумбазли қабрлардан иборат бўлиб, гурхонаси унинг марказида жойлашган. У тўртбурчак, тухумсимон чўзиқ шаклда. Ҳажми 2—2,2×0,6—0,9 м, чуқурлиги 0,4—0,6 м га тенг. Марҳумлар чалқамчасига боши шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Эркак скелетлари кўпчилигининг бел қисмида бир томони тешилган тош қайроқлар, қабрлардан бирида калла суюги ичидан жездан ясалган уч парракли, найчасимон зуфатали камон ўқининг пайкони, иккинчи қабрдан эса лаби юпқа, туби текис жарангдор банкасимон идишгина қайд этилди, холос. Озлигидан қатъи назар, бу ашёлар Конимех туманида топиб ўрганилган қадим қишлоқлар санасини белгилаб берди.

1985, 1990 йилларда Варахша атрофида, айниқса унинг гарбий томонида, Вобкент дарёнинг кўхна аденида, жойлашган Боштепа теварагида, хусусан Ўртатепа, Чектепа ва Қўшқиртепалар яқинида қайд этилган милоддан аввалги VI—IV асрларга мансуб бир нечта қишлоқ ҳаробаларини ўрганиш эндигина бошланди. Шунга қарамай, ҳудудда бундай ёдгорликларнинг мавжудлиги, шубҳасиз Бухоро воҳасида илк шаҳар маданиятининг шаклланиб, ривожланишида улар муҳим роль ўйнаганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Наршахий Бухоро воҳасида қад кўтарган энг қадимги қишлоқлар ҳақида ҳикоя қилганида Варахша «кatta қишлоқлар жумласидан бўлиб... у Бухоро шаҳридан қадимироқдир»¹⁸ деган жумлани асоссиз ёзмаган бўлса керак. Дарҳақиқат, Наршахийнинг бу маълумоти ҳақиқатга анча яқин бўлиб, уни 1975—1977 йилларда Варахша шаҳар ҳаробасининг остиқи қатламларида қайд этилган милодгача бўлган V—IV асрларга онд археологик топилмалар маълум даражада тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолий ва шимоли-гарбий қисмларида илк шаҳар типидаги урбанизациялашган қишлоқлар милодгача бўлган VI—V асрлардаёқ қад кўтара бошлиган. Улар замонбобонлик қадимги хонаки чорвалор деҳқонларнинг ярим ертўла ҳамда сингил чўпкори чайлаларидан тубдан фарқ қиласидан йирик хом ғишт ва пахсадан бино қилинган, атрофи девор билан ўралган, ҳунармандчиллик анчамунча ривож топган истеҳкомли қишлоқлар эди. Улар, шубҳасиз воҳада шаҳар маданияти юксалиб, шаҳарларнинг қад кўтаришида асосий пойdevор бўлиб хизмат қилди.

¹⁸ Ўша асар. 24-бет.

БУХОРО ІШИ АФРОСИЕБ ТЕНГДОШИ

Шаҳарсозлик ва шаҳар маданиятининг шаклланиш масалалари жамиятнинг ижтимоий-иктиносиди ва маданий тараққиётида ҳамиша энг долзарб муаммолардан бўлиб, унинг тарихини тадқиқ қилиш эса фанда энг муҳим мавзулардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам археология фанида ҳам бу мавзуга доимо алоҳида эътибор берни келинди.

Ўзбекистон худуди бўйлаб шаҳарларининг пайдо бўлиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиши тарихини ўрганилиши муносабати билан 60-йиллардаёқ Я. Фуломов раҳбарлигига маҳсус археологик экспедиция ташкил этилди. Археологлар аввал Фарғона водийсида қад кўтарган қадимий шаҳарлардан Қуба ва Ахсикат, Самарқандда эса Афросиёб, Қаршида Ерқурғон, Термиз шаҳар харобаларида қазишлар бошлаб юбордилар. 1970 йилнинг кузидаги Афросиёбда топилиб, тадқиқ этилган дастлабки археологик материаллар асосида Турон — Туркистоңдаги энг кўҳна шаҳарлардан бирни Самарқанднинг 2500 йиллик тўйиннишонланди. Бу воқеа эса, шубҳасиз Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида археологик тадқиқотларнинг кенгайишига бирмунча турткى бўлди. Шу туфайли 1970—1974 йиллардаёқ Яхё Фуломов раҳбарлигига, 1977—1980 йилларда эса ушбу сатрларнинг муаллифи бошлиқ Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмида кенг кўламда мунтазам археологик қазиш ишлари олиб борилди. Айниқса Бухороининг кўҳна Арки ва Шаҳристони, хусусан Тоқи Заргарон, Мир Араб, Минораи Қалон яқинида Саройи Қози Қалон, Ҳовузи Қози Қалон маҳаллаларида ўтказилган археологик қазишлар айниқса кўзда тутилган натижаларни берди.

Маълумки, кўҳна Бухоро — ўлкамининг тарихий обидаларга бой шаҳарларидан бирни сифатида машҳур. Мана Тоқи Заргарон, Гими Абдуллахон, Зиндон ва Мирараб мадрасаси каби ўрта аср меъморий обидалари жойлашган қадимий Шаҳристон ҳамда Аркининг ялангликдан иборат шарқий қисмида муттасил олиб борилган кўп йиллик археологик қазишма ишлари ҳам ниҳоясига етди.

Қазишмалар олиб борилган майдонларда юқори — аралаш қатламлар замонавий техника ёрдамида, остиклиари эса фақат белкурак ва кетмонлар воситасида (20 метр чуқурликда) бир нечта хандақлар қазилган. Бу хандақларда босими етти метргача кўтарилган ер

ости сизот сувлары насослар ёрдамида чиқарылып, дәрли ҳамма қазиш участкаларида биз Бухоронинг бот-қоқлик устида ҳосил бүлган қадимги рўйи замингача ковлаб очишга муссар бўлдик. Унинг бу она тупроғи устида асрлар давомида ниҳоятда қалин маданий қатлам вужудга келган экан. Унинг қалинлиги баъзи жойларда 20 метргача борар эди. Бухоронинг узоқ ўтмиш изларини ўз бағрида сақлаб келаётган бу қатлам, шубҳасиз, ўзига хос бир антиқа ҳазина бўлиб, унда қайд этилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб ашёвий далиллар эди.

Мана Мирараб мадрасаси ва Тоқи Заргарон ёдгорлиги оралиғида майдони қарийб 2,5 минг квадрат метрли қазилган ҳандақ. Унинг чуқурлиги 17,5 метр. Археологларимизнинг белкураги билан тик ва ниҳоятда текис ковлаб тушилган ҳандақ деворлари худди қат-қат қилип пиширилган улкан ва ниҳоятта қалин «қатлама»ни эслатади. Девор бўйлаб турли сатҳда ўралар, атрофи пишиқ гишт билан ишлаб чиқилган чуқур қудуклар, турли томонга йўналган пишиқ гиштли равоқсимон тазарлар (канализация иншоотлари), пахса ва йирик хом гиштлардан уриб чиқилган ниҳоятда қалин шаҳар деворларининг вайронага айланган қолдиқлари. Кучли ёнгин излари ва ҳоказолар кўзга яққол ташланниб турди. Булар, шубҳасиз, асрлар давомида шаҳарнинг қайнаған жўшқин ҳаёти қолдирган излар бўлиб, Бухоронинг неча бор вайрон этилиб, неча бор қайта тикланганидан далолат берувчи тилсиз гувоҳлардир.

Қазишманинг энг остки қатламларидан археологлар учун фавқулодда қизиқарли ва қимматли маълумотларни аниқлаш имконини берувчи ашёвий далиллар топилди. Бухоро шаҳри ҳали қад кўтармасдан аввал — узоқ ўтмишда ҳосил бўлган бу табиий қатламлар ранги ва таркибиға кўра бир-биридан мутлақо ажратиб турарди. Ҳандақнинг энг туб қисмида дарёнинг оқизиндилиридан ҳосил бўлган оч кулранг тусли қадимий рўйи замини, унинг устки қисмида эса чириндилирдан ҳосил бўлган қалинлиги 40—70 сантиметрча келадиган торф қатлами мавжуд. У тўқ жигарранг. Бу қатлам бамисоли қутан ичидаги отар оёғи остида босилавериб қат-қат бўлиб кетган қўй қайини эслатади. У қадимги рўйи заминни худди қалқондек қоплаб ётарди. Торф қавати орасида таркибида ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, паррандалар суюклари, сопол идишларининг бўлаклари учрайди. Бу қатлам шимолдан жанубга — Мирараб мад-

расасига томон қалинлашиб, мадраса ҳовлиси остида унинг қалинлиги 7,5 метрга боради.

Бухоро шаҳри остида археологик қазишмалар натижасида қазиб очилган бу қатламлар шубҳасиз, бу ўлкада аҳоли эндигина келиб ўришашиб, узи ўзлаштиришга киришилган қадим замонларда булажак шаҳарининг ўрни ва теварак-атрофларининг табиий манзарасини намойиш килар эди. Шубҳасиз бу археологик манзара Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган таърифга жуда ҳамоҳанг бўлиб, уни тұла тасдиқлар эди. «Хозирда Бухоро ўришган бу мавзе, илгари ботқоқлик бўлиб, — деб таърифлаган эди Нишопурин, — унинг баъзи ерларини түкайзор, дарахтзор ва қўкаламзор ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарқанд томонидаги вилюятлар тогларида қор эриб, суви оқиб келиб уша жойларга инғилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йигилган, у бир талай ерларни ювиб — ўриб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада, бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келиши тұхтади, Бухоро ўришган жой (аста-секин) тўлиб текис ерга айланди ва, шундай қилиб, у катта дарё Суғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди».¹⁹

Зарафшон водийсининг қуйи қисмига жойлашган Бухоро воҳасининг пайдо бўлиши тўғрисида айтилган бу палеогеографик мулоҳаза илк урта асрлардаёқ дарё водийлари шаклланиши ва бу жараёнда сув манбаларининг табиий роли ҳақида етарли ва аниқ тушунчаларга эга булинганимидан далолат беради. Қизиги шундаки, бундан қарийб минг йил аввал бу фикр нақадар тўғри эканлигини Бухорода олиб борилган гидрогоеологик ва археологик тадқиқотлар тасдиқлаб берди.

Археологик тадқиқотлар шунин кўрсатдики, узоқ ўтмишда Зарафшон дарёсининг қуйи ўзанларидан бири, ҳали кўҳна Бухоро вужудга келмасдан аввал, ҳозирги вақтда қад кўтариб турган Улугбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Тоқи Заргарон, Мирараб мадрасаси, Миноран Қалон ва Масжиди Қалон каби меъморчилик обидалари буй чўзган замин ўринидан оқиб ўтган. Бу

¹⁹ Үша асар. 15 бет.

дарё ўзанининг кенглиги 100—120 метрга борган. Илк ўрта аср ёзма манбаларида У «Зарируд» ёки «Руди-зар Бухоро» номлари билан тилга олинган. Қадим замонларда бу ўзанинг тошқин сувлари Пойканд шаҳригача стиб борган. Бу кўхна ўзанинг дарёвоти ва теварак-атрофиини қоплаб ётган қални бутазор ва тўқайларнинг асрий чиринидиларидан Бухоро шаҳри остида торф қатламлари ҳосил бўлган.

Айрим қазишма майдонларида қайд этилган кучли ёнгни қолдиқларига қараганда, Бухоро ҳудудини илк бор ўзлаштиришга киришган қадимги «чўлқуварлар» бу кўхна дарёвот соҳилларига келиб ўриашган, тўқайларга ўт қўйиб ер очган булишса ҳам ажаб эмас. Наршахийнинг таърифлашича: «Ҳар томондан одамлар йигилиб, у жой сбод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, овқилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлаштилар».²⁰

Археологик тадқиқотлар шуни аниқлаб бердиккӣ, Бухоро шаҳри даставвал қадимги Зарируд ўзанининг икки соҳилида алоҳида-алоҳида жойлашган учта мустақил қишлоқ шаклида қад кўтарган. Улардан бири дарёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Аркнинг ўринда бўлниб, қолган иккитаси Масжиди Қалон, Минораи Қалон, Мирараб мадрасаси ва Тими Абдуллахон архитектура ёдгорликлари йўналишида илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳристони ўринда, дарё ўзанининг икки бетида бир-бирига қарама-қарши жойлашган экан.

Бухоро, хусусан унинг мустабид ҳукмдорлари қароргоҳининг қад кўтариш тарихини ўрганишда Аркда олиб борилган қазишларнинг натижалари ниҳоятда самарали бўлди. Энг муҳими, Аркни ўрганиш тарихида биринчи маротаба унинг қадимги қўйи заминигача ковлаб тушилди. Шаҳарнинг бу қадимги қисми остида ҳосил бўлган маданий қатламнинг умумий қалинлиги 20 метрдан ошиқроқ бўлиб, унинг остки қатламидан қазиб олинган археологик топилмаларнинг энг кўхнаси милоддан аввали IV аср охири ва III аср бошларига мансуб эди. Моддий маданият излари орасида 15,5 ҳамда 18,5 метр чуқурликда қазиб очилган қадимги икки мудофаа деворлари қолдиқларнинг тепилиши шаҳар тарихини ўрганишда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биринчи мудофаа девори 2,5—3 метр, иккинчиси 2—2,5 метр баландликда сақланган. Юқори қатламда топилган девор

²⁰ Ӯша асар. 15—16-бетлар.

милоднинг III—IV асрларида, қуйи қатламдан топилгани эса, милодгача бўлган IV—III асрларда пахсадан барпо этилган. Бу майдонда маданий қатлам ҳосил бўлган қадимий рўйи заминнинг сатҳига қараганда, Бухоро Арки остида қад кўтарган дастлабки қишлоқ Зарируд ўзанининг унг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида пайдо бўлган экан. Теварак-атрофиинг умумий рельефидан бу дўнглик 8—10 метр баланд бўлган. Майдони 1,5—2 гектардан ошмаган.

Археологик қазишлар натижасида очилган тарихий манзара шуни курсатадики, Бухоронинг қадимги марказий қисми Аркдан шарқроқда, дарё лабида, рельефи жиҳатдан Аркка нисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашган, майдони 12—13 гектарга тенг бўлган. Мирааб мадрасасининг яқинида олиб борилган қазишмалар чогида 4,5 метр чуқурликда шаҳарнинг қадимги мудофаа девори қолдиқлари қайд этилди. Пахса ҳамда йирик ҳажмдаги ҳом фиштлардан уриб чиқилган бу қалъа девори 5—6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остида қолиб кетган маданий қатлам ва унда қайд этилган археологик топилмалардан маълум бўлишича, бу қадимги мудофаа ишооти милоднинг V—VI асрларида қад кўтарган. Асрлар давомида у бир неча бор таъмир этилган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу боисдан асрлар оша у қалинлашиб, ишларда унинг умумий кенглиги 17 метрга етган. Бухоронинг бу қадимги девори ташқарисидан дарё соҳили бўйлаб кенг йўл ўтган. Миноран Калон ва Мирааб мадрасаси оралиғидаги майдон рўпарасида шаҳарнинг жанубий дарвозаси жойлашган. Илк ўрта асрларда у «Мадина дарвозаси» номи билан юритилган. Археологик қазишлар вақтида Мадина дарвозасининг ўрни ва минораси—буржининг қолдиқлари топилди. Бу дарвоза ташқарисидан ўтган катта куча бўйлаб кейинги асрларда Миноран Калон, Масжиди Калон, Улуғбек, Мирааб ва Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Тоқи Заргарон каби меъморий обидалар қад кўтарган.

Бухоро шаҳрининг барпо иегизи бўлган учиничи қишлоқ Зарируд ўзанининг сул қирғонида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ураб олилган. Майдони 6—7 гектар белган. Бу ҳудуд Миноран Калон ёдгорлигидан жанубда жойлашган дўнгликдан иборат бўлиб, унда сўнгги ўрта асрларда Бухоро қозиқалонининг саройи ва маҳкамаси жойлашган эди. Қизғи шундаки, бу участкада ковлаб очилган 18 метрли маданий қатламининг 9 метри милоддан аввалги

IV—I ҳамда милоднинг I—IV асрларида ҳосил бўлган. Мазкур қатlamда қайд этилган турли ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотининг қолдиқлари бўлиб, улар бу худудда қадимдан шаҳарнинг гавжум ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашганидан далолат берар эди. Шу муносабат билан бу ўринда юқорида тасвирланган қалин маданий қатlamда қайд этилган кичик бир топилмани таъкидлаб утиш ўринидир. Чунки бу топилма биз тадқиқ этаётган масалани ечишда, маълум дараҷада ойдинлилк киритишни мумкин. Минори Қалон яқинидаги қазишманинг остки қалин маданий қатlamининг энг тубидаги қатларидан олинган сопол бўлаклари комплекси орасида бошқаларидан тубдан фарқ қиласиган икки дона сопол бўлакчалари айниқса диққатга сазовор эди. Уларнинг иккиси ҳам оч сарғиши рангда бўлиб, кулолчилик чархида ясалган юқори сифатли сопол идишининг жуда кичк парчалари эди. Бу топилмалар ясаш услуби, сифати ва ранги жиҳатидан Қадимги Самарқанд—Афросиёбдан топилган ва фанда «Афросиёб I» номи билан қабул қилинган милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб сопол буюмларга ўхшаб кетар эди. Афуски бу икки бўлак сопол парчаларидан қандай шаклдаги идишининг бўлакчалари эканини аниқлаш мушкул эди. Шунга қарамай, милоддан аввалги IV—III асрларга мансуб сопол идиш бўлаклари орасида арханг даврга мансуб сопол бўлакчаларининг қайд этилниши, шубҳасиз Бухоро шаҳрининг қаеридадир милоддан аввалги VI—V асрлар маданий қатламларининг мавжудлигидан дарак берар эди. Бу икки топилма назарда тутилиб, уларнинг Бухоро воҳасида, хусусан Конимех яқинида милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб қатор ёдгорликлар: Қумработ, Арабон-1, Арабон-2, Чордара, Шодибек ва Қалқонота, шунингдек, Варахшанинг гарбидаги Боштепа атрофидаги шу даврга онд тураржойлар ва хилма-хил моддий маданият қолдиқлари билан таққосланиска, юқорида айтилган фикрни шубҳадан холи этади. Чунки Бухоро шаҳрининг қад кўтариши тасодифий воқеа бўлмай, балки Қўйи Зарафшон водийсида яшаган қадимги аҳолининг ижтимоний ва иқтисодий ҳаётида содир бўлган умум урбанизация жараёни билан чамбарчаст боғлиқ бўлган. Бухоро воҳаси аҳолисининг тадрижий тараққиёти тарихида юз берган бу умум жараёни назарда тутилиб, уни асос қилиб олинса Бухоронинг ёши, шубҳасиз, Афросиёбу Сиёвуш, Зулкарнайну Спитаменларга тенгдош бўлади.

БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ НОМЛАРИ

Кўҳна Бухоро ҳақида сўз юритилар экан, унинг қадимги номлари, хусусан, «Бухоро» номининг келиб чиқиши, аниқса унинг этимологияси борасида ҳам баъзи бир маълумотларни келтириб, уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бухоронинг дастлабки номлари нинг аксарияти бу ажойиб ўлкасиниг ё табнатига, ё иншоотига, ёки аҳолисининг ўтмиш эътиқодига монандидир. Чунки топонимлардан бирининг маъноси негизида шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табнатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, Наршахийнинг бу вилоят тўғрисидаги тағенилотларига ҳамоҳанг бўлса, бошқасида ўлкасиниг ўзлаштирилиб, обод этилишидаги тарихий манзаралари маълум даражада ўз ифодасини топған. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этимологиясини таҳлил қилиб, унда яширинган маънони аниқлаш ўлка ўхмишининг ҳам табний, ҳам тарихий манзарасини тиклашда тадқиқотчиларга маълум даражада кўмаклашади.

Бухоро шаҳри, у қад кўтарган ўлка ва унинг қадимий ҳукмдорлари тўғрисидаги, қисқача бўлсада, бирмунча аниқроқ маълумотлар илк урта аср Хитой манбаларида келтирилди. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Аи, Анес, Анго, Нюми, Бухо, Бухэ, Бухаэр, Бухуаер, Бухала, Фухо, Пухала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамалардан бир нечтаси, шубҳасиз. Бухоронинг хитойча номлари бўлса, қолганлари ушбу номининг хитойча турли хил талаффуз этилишидан келиб чиқсан сўзлардир. Қизиги шундаки, бу атамалар остида, одатда ҳам ҳокимият ёки ўлка ҳамда шу ҳокимиятининг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳри тасвирланади. Масалан, Аи ёки Бухо ҳокимияти илк урта асрларда Нюми номи билан машҳур бўлиб, унинг пойтахта ҳам шу ном билан юритилган. Нюмидан 100 ли (50 км) шимоли-шарқда Шарқий Аи ва шунча масофадан жануби-гарбда эса Би (Пойқанд) шаҳри жойлашган. Ҳукмдорларнинг қароргоҳи Аланим (Ромитан) шаҳрида бўлган. Бу давлатининг ғарбий чегараси Уху (Амударё) дарё соҳиларига бориб тақалган. Вилоядда 40 йирик шаҳар ва мингдан ортиқ майдада истеҳкомлар бўлиб, бақувваёт ва довюрак йигитларгина чокар (аскар)ликка ёллаб олинган.

Нюми давлатининг пойтахти Сиван Цзин (Самарқанд)дан ғарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувлии

хандақлар билан үралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган.²¹

Демак, Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, милодий V—VII асрларда Зарафшон дарёси Нами деб юритилиб, унинг қўйи қисмига жойлашган давлат эса Нюми деб аталаған. Бу ҳокимиятининг пойттахти ҳам Нюми номи билан юритилиб, у алоҳида алоҳида махсус мудофаа деворлари билан үралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган. Шаҳар яқинидан оқиб ўтган сув йўллари хандақ вазифасини ўтаган. Илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳрининг бундай тарихий топографияси тафсилоти, юқорида кузатилганидек, археологик тадқиқотларда ҳам маълум даражада ўз тасдиқини топди.

Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги алоҳида-алоҳида жойлашган истеҳкомли икки шаҳристон ва кӯҳандиздан иборат илк ўрта асрнинг учта қалъа харобаларининг қазиб очилиши бунинг ёрқин далилларидир.

Ўрта аср арабиавис муаллифлари асарларида Бухоронинг бу машҳур номидан ташқари унинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия, Мадинат ут-тужжор, Фохира каби қатор атамалари келтирилди. Мұхаммад Наршахийининг ёзишича, ўша вақтларда Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга бўлмаган.

Ўрта аср манбаларида келтирилган тафсилотларга қарганда, Бухоро ва Нумижкат аввалда бирин иккинчи суга яқин жойлашган икки алоҳида шаҳарлар бўлган. VIII асрда Муқанна қўзғолони даврида ҳам бу икки шаҳарнинг мустақиллиги таъкидланиб, ҳатто 775 йилда қўзғолончи оқ кийимлекларининг Нумижкатга бостириб кириб, уни ишғол этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнг, вақт ўтиши билан Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, улар бир-бирига қўшилиб кетган. Номларидан бирин шуҳрат топиб, иккинчиси эса тарихдагина сақланиб қолган.

Хўш, Бухоро шаҳрининг бу қадимий номлари қандай маъноларни англатади? Бухоро номлари этимологияси устида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш керакки, арабиавис муаллифлар келтирган номлар ўз маъноси жиҳатидан шаҳарни бино қилган туб аҳоли ҳамда четдан келган ажнабийлар томонидан берилган иккичурдаги номлардир. Жумладан, Бухоронинг «Мадинат

²¹ Малявии А. Г. Марказий Осиё давлатлари ҳақида Тац солномалари. М., 1989. 77—78-бетлар.

ус-суфрия», «Мадинат ут-тужжор» ва «Фохира» каби атамалари араблар томонидан берилган номлардан бўлиб, улардан биринчиси «Мисшаҳар» иккинчиси «Савдогарлар шаҳри» ва учинчиси эса «Фахрли шаҳар» деган маъноларни англатади.

Бухоро шаҳри қалъа деворлари мудофаа жиҳатидан ниҳоятда мустаҳкам қилиб қурилгани туфайли, у «Мисдан қўйилган қўргон» ёки «Мисдан ясалган истеҳком»га рамзий қиёс қилиб, унга «Мис шаҳар» маъносини англатувчи «Мадинат ус-суфрия» атамаси берилган. Шунингдек, Бухоронинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур «Буюк Ипак йули» устида жойлашгани, аҳолисининг мулкдор табақасининг каттагина қисми кашкашон — савдогарлардан бўлиб, бу карвон йули орқали халқаро савдода актив қатнашгани сабабли шаҳар «Мадинат ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деган сифатлари билан ҳам шуҳрат топган. Фохира атамаси ҳам, Мұҳаммад Наршахийнинг тафсилоти бўйича, унга ислом динининг барқарорлиги йўлидаги шаҳидлар шарофатига ҳисбат қилиб берилган атамадир. Маҳшаргоҳда Бухоро шаҳрида 70 минг байроқ ва ҳар бир байроқнинг остида етмиш минг шаҳид бош кутарар экан.²²

Нумижкат, Бумискат ва Бухоро шаҳарга берилган маҳаллий атамалардан хисобланади. Бу номларнинг биринчиси, аслида Навмичкат бўлиб, у учта форс-тожикча «Нав» — янги, сүфдийча «мич» — қалъа, истеҳком ва «кат» — қишлоқ каби сўзлар бирикмасидан ташкил топган у «Янги қалъа», «Янги қўргон» ва «Янги истеҳкомли қишлоқ» маъноларини англатган. Хитой манбаларида келтирилган «Нюми» атамаси эса, Навмич сўзидан олинib, унинг хитойча талаффузидан келиб чиққан. Бу атама ҳам «Янги қалъа» маъносини англатади.

Навмичкат атамасида «Янги» маъносини англатувчи «Нав» сўзининг қўшилиб ёзилишига қараганда «Нумижкат ва Бумискат» шаҳар қалъаси қайта қурилгандан сўнг унга янгитдан берилган сўнгги номлардан эканидан далолат беради. У вақтда шаҳар қалъасининг кўҳна номлари ҳам бўлиши керак. Бухоро урбанимларидан маътум бўлишича, шаҳар кўҳна қалъаларидан бирининг номи «Фаровис» деб юритилган. Бу атама Бухоро бўзчи ва косибларининг пири Бобойи Порадўз мақбаси ҳамда Шаҳруд каналининг шоҳобчаларидан бири

²² Наршахий. Бухоро тарихи. 27—28 бетлар.

«Фаровис ус-Суфло» номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида кўхна қалъанинг номи «Фаробдиз» бўлиб, у сўғдийча «Фароб» — сув бўйи ва «диз» — қалъа сўзлари биринчидан ҳосил бўлиб, «Сув бўйидаги ёки дарё бўйидаги қалъа маъносини англатади.

Муҳаммад Наршахий шаҳарнинг турли хил атамаларини тилга олар экан, «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқдир» леб ёзди. Чунки бу ном билан ҳам ўлка, ҳамда унда қад кўтарган шаҳар шуҳрат топган.

Бухоро этимиологиясини академик В. В. Бартольдсанскрите «вихара» — «ибодатхона» сўзи билан боғлайди. Фикримизча у сўғдийча бўлиб, «Буг-оро», яъни «тангри жамоли» деган маънони англатади. Бундай талқин, шубҳасиз, Наршахийнинг Бухоро воҳасининг қадимги табиати тўғрисидаги тафлисотига ҳамоҳанг бўлиб, археологик қазишмалар вақтида очилган осориатиқа ларда ҳам ўз аксини топди.

Демак, Бухоро шаҳри қадимда Зарафшоннинг қуёни тармоги Зарпруд бўйида учта қалъа шаклида пайдо бўлган.

Бу қалъалардан энг қадимгиси Фаробдиз, иккинчиси Бухоро ва учинчиси Навмиҷкат номлари билан юритилган. Кейинчалик бу уч қалъа бир-бiri билан кўшилиб кетган.

Аҳолининг сони кўпайган сари шаҳар ҳам кенгайиб борган. Шаҳарнинг кейинчалик обод бўлган қисми ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида IX асрда Бухоро қадимги учта қисмини ҳам ўз ичига олган ягона ташқи девор ҳалқаси билан ўраб олинган. Асрлар утиши билан шаҳар майдони янада кенгайган. Унинг атрофида, шаҳар девори ташқарисида, янги маҳалла ва гузарлар қад кўтарган. XV—XVI асрларда эса яна янги жойларни ўраб ўтган учинчи ташқи девор ҳалқаси бино қилинган. Бу даврда шаҳарга 11 дарвозадан кирилган. Бу дарвозаларнинг бирни орқали Самарқандга, иккинчиси — Хоразмга, учинчиси — Хурросон ва Эронга, тўртинчиси — Қарши ва Термизга томон йул кетган бўлса, қолганлари Бухорони атрофдаги қишлоқ ва туманлар билан боғлаган. Шаҳар ичидаги ниҳоятда энч қурилган уй-жой ва турли хил иморатлар, сон-саноқсиз тор-танқис кўчалар жойлашган. Шаҳар 12 маҳалла, 220 гузарга бўлинган. Ҳар бир маҳалланинг оқсоқоли, гузарда эса унинг пойкори — элтиқбошиси бўлган. Ҳар бир маҳалланинг алоҳида мозори бўлгани каби ҳар бир гузарнинг ҳам алоҳида мачити бўлган. Шаҳар 100 дан ортиқ ҳовузлар

орқали сув билан таъминланган. Ҳовузлар шаҳарнинг магистраль канати — Шаҳруз ва унинг шахобчалари ҳамда кўплаб ер ости сув ишшоотлари — тазарлар орқали ойда бир ёки иккى марта сувга тўлгизилган. Махсус сувчи — мешкоблар хонадонлар, айниқса аркдаги аъёнларининг эҳтиёжи учун кун бўйи мешларда сув ташиганлар. Ёз ойларида кўпинча Шаҳрудда сув бўлмай ҳовузлардаги сув янгилаимаслиги натижасида кўкариб, айниб кетган. Бундай вақтларда ҳовузлар турли-туман ички касалликлар (безгак, ришта, ва ҳ.к.) манбаига айланган. Шаҳарда 20га яқин ҳаммом ва бир қанча усти ёпилган раста, току тимлар қишин-ёзин ишилаб турган. Турли даврларда қурилган 200га яқин мадрасаларда минглаб талабалар илм олган.

Уз тарихи жараёнида Бухоро Марказий Осиёда қад кутарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташқи душмани хужумига бардош берган. Истилочилар асоратига тушиб, қонли жанглар майдонига айланган. Ин қирозга юз тутиб, вайрон бўлган, бироқ ўз жойидан бир қарич ҳам силжимай қайта-қайта тикланиб, обод бўла верган.

ХОТИМА

Асримизнинг 50—80-йилларида Бухоро вилоятида ҳамда унинг маркази Бухоро шаҳрида муттасил олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли Зарафшон во-дийсининг адогига жойлашган ғаройиботларга бой бу кӯҳна масканинг қад кўтарган ўрни ва унинг узоқ ўтмишдаги палеоэкологик шарт-шаротилари ҳамда бу диёрда истиқомат қилган қадимги аҳолининг ижтимо-ий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги содир бўлган тадри-жий ўзгаришларнинг умумтарихий манзараси намоён бўлди.

Кўп йиллик археологик қазишлар натижасидан аниқ-ланшича, Бухоро шаҳри ёзма манбаларда Рудизар ёки Зарируд номи билан тилга олинган Зарафшоннинг қўйи ирмоғининг икки соҳилида бир-бирига қарама-карши жойлашган учта алоҳида-алоҳида қишлоқлар асосида барпо бўлган. Ўрта аср ёзма манбаларидан маъ-лум булишича, улардан бири Бухоро ёки Фоҳира, ик-кинчси Навмичкат ва Бумискат, учинчisi эса Фаровиз ёки Фаробди номлари билан юритилган.

Бухоронинг кӯҳна шаҳар қисмининг етти жойида кенг кўламда археологик қазишлар амалга оширилди. Деярли ҳамма қазилган майдонларда Бухоронинг қа-димги дарёвот ичидаги ботқоқлик устида ҳосил бўлган илк рўйизаминингача ковлаб очишга мусассар бўлинди. Бухоро шаҳри ҳали қад кўтармасдан аввал ҳосил бўл-ган бу гўша қатламлари ранги ва таркиби жиҳатидан бир-биридан кескин ажralиб турди. Улар аҳоли то-монидан ҳали ўзлаштирилмаган узоқ ўтмишда бўлажак шаҳарининг ўрни ва атрофларининг табиий манзарасини намойиш қиласи эди. Бу табиий манзара Абул Хасан Нишопурининг «Бухоро ўрнашган мавзе илгари ботқоқ-лик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган», — деб тасвиirlаган табнат манзарасини эслатар эди.

Бұхоронинг бу қадимий мұқаддас оны тупроғи усти-
да асрлар давомында ниҳоятда қалып маданий қатlam
вужудла келген. Шаҳарининг бу қадимги қисмінде ҳосил
бұлған маданий қатламнинг қалынлігі 20 метрдан
ошықроқ бұлып, уннан остек қатламлардан ковлаб олин-
ған археологик топайлмаларнинг эң күңнасы милодгача
бұлған бириңчи минг йилліктернің үрталары билан са-
наланарды. Моддий маданият қолдиқлари орасында 15,5
м ұамда 18,5 м чуқурлукта ковлаб очилған қадимги ша-
ҳар деворлари қолдиқларнинг топилиши Бухоро та-
рихинде үрганишда, айниқса уннан ёшини белгилашда
қимматли ашёвий далил сифатында хизмат қылды. Чун-
ки бу қалып маданий қатлам остида қайд этилған бу
нодир археологик топайлмалар Бухоро қадимданоқ мұ-
дофаа деворлари билан үралған ҳақиқиет шаҳар шак-
лидаги гавжум ҳунармандчылық маскани эканнан исбот-
ловчи асосий белгилардан зди.

Бухоро шаҳрининг барпо бұлышы шак-шубҳасыз ҳеч
қаңон биқиқ ұлда содир бұлмаган. Аксинча, у Зараф-
шон водийсіннің үзлаштирилиб обод этилиши ұамда
воҳа бўйлаб урбанизациялашган деҳқончиллик қишлоқ-
лари ва истеҳкомсиз тураржойларнинг кейинроқ эса,
кўплаб қасрларнинг қад кўтариб, воҳа бўйлаб улар-
нинг жадал кенгайиб бориши билан узвий боғлиқ зди.
Бундай турдаги моддий маданият обидалари Бухоро во-
ҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларыда, ху-
сусан Конимек яқиннан ұамда Вобкеит дарёнинг сув-
сизликдан қуриб қолған қадимги адогидан топиб, үр-
ганилди. Конимек ва Қалқонота атрофида қайд этилған
милоддан аввалги VI—V асрларга оңд истеҳкомли қиши-
лоқлар ва мозор қўргонлар, шунингдек Вараҳшадан
гарбда Боштепа яқиннан топилиб, тадқиқ этилған ва
умумий майдони ярим гектаргача бұлған милоддан ав-
валги VI—Vасрларга мансуб тураржойлар ұамда ми-
лоддан аввалги IV—II асрларда йирик хом гишт ва
нахсадан бино қилингандын үндән ортиқ диз (қалъача),
қўргонча ва қасрлар (Боштепа, Яkkatal, Оёқтепа 1—2,
Үртатепа, Қўшқир 1—2, Чектепа ва Чўққитепа 1—2
в.б.)нинг тепа шаклидаги харобалари ва қолдиқлари шу-
лар жумласидандир. Археологик маълумотларга қара-
гаңда Зарафшон водийсіннің қўйиң оқимига жойлашған,
теварак атрофи дашт ва биёбонлар билан үралған. Бу-
хоронинг қадимги бутазор, тұқайзор ва ниҳоятда сер-
сув ерларини үзлаштирилиши шубҳасыз, бу диерда
деҳқончиллик ва чорвачиллик хўжаликларнинг кенгайиб
бориши билан узвий боғлиқ бұлған. Милодгача бўл-

гай V аср охири ва IV асрларда, айниңса милоддан аввалги III ва II асрларда эса бу жараен кескин жадаллашган. Фикримизча бунга үша замонларда, аввал ахманийтар, сунгра эса македониялик юнонларининг қадимги Туровзаминига бостириб кириши ва тазиқининг кучайини оқибатида Сүғд ерларида ҳам содир бўлган мушкул сиёсий вазият сўғдийларининг ҳаётига афтидан кучли таъсир курсанган. Маълумки, Искандар Зулқарнайн милоддан аввалги 329—327 йилларда Спитамени бошлиқ Сүғд ҳамда шак-массагет қабилаларининг кучли қаршилигига учраб, гарчи анчагина талофат кўрган бўлсада, аммо унинг жазо отрядлари Зарафшон водийсизда шафқатсиз қирғизлар келтирган. Спитамени қўлга тушириш мақсадида Искандарининг биргина Кўйи Зарафшон томон қиласган юришида сўғдийларининг кўплаб қалъаларига ўт қўйилиб, 120 мингдан ортиқроқ аҳоли қириб ташланган. Фикримизча, бу воқеадан сунг шак-шубҳасиз, Самарқанд, Арбонжон (Каттақўргон яқинида), Дабусия, Кармана ва Харкона (Қалқонота) атрофларида яшаган сўғдийларининг Зулқарнайн қўшини қиргинидан омон қолган тўдалари, афтидан жон сақлаш мақсадида Кўйи Зарафшон, яъни ҳозирги Бухоро воҳаси томон кўчич, бу янги ўлканни жадал ўзлаштиришга киришган. Натижада бутун воҳа бўйлаб сонсаноқсиз дәҳқончилик қишлоқлари, қалъа ва қасрлар қад кутарган. Бухоро шаҳри эса эндигина шаклланастаган дәҳқончилик воҳасининг марказига айланган. Шунинг учун ҳам Бухоро воҳасининг үша даврдаги археологик манзарасини бадиий тарзда тасвирилаганда, у худди очилаётган қўриқдаги гавжум ҳаётни эслатган. Бу тарихий манзара, юқорида қайд этилган қатор моддий маданият обидаларида топилган турли хилдаги ашёлардан ташқари, Бухоро шаҳри яқинидаги Тахтматепа ва Талимурдапартов ёдгорликларидан топилиб ўрганилган милоддан аввалги IV—II асрларга мансуб (Юон-Бақтар подшоҳи Евтидемининг) кумуш тангалар ҳамда уларга тақлидан суқилган ва олд томонига тождор ҳукмдор, орқа томонига эса оташкада тасвири туширилган кумуш тангаларда маътум даражада ўз ифодасини топган эди. Ҳатто қадимги Бухоро тождорлари милоддан аввалги иккинчи асрданоқ ўз кумуш тангалаrinни зарб қилдира бошлаган эдилар. Илк Ўрта асрлар эса Бухорода бухорхудот — олий ҳукмдорлик даражасида Бидун (673 йилгача), Ҳутоқ Хотун (673—692), Тугшода (692—768), Суқон (768—775), Буниёт (775—782) каби маҳаллий ҳукмдорлар мамлакатин идора этган-

лар. Бухорхудотлар бу даврларда олд бетига иккى ўркачли түя ва терсига оташкада тасвириланган ҳамда гардишига «Бухор молик» деган сўзлар битилган мис тангалар зарб этиб, ички савдо мумаласини нақдина билан таъмин этганлар.

Бухоро шаҳрининг ёшини аниқлаш жараёнида Мұхаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли китобида «Бухородан қадимиyrоқ» деб тилга олинган Вардона, Варахша, Пойканд, Ромуш ва Ромитан каби қадимги шаҳар харобаларида ҳам археологик қазиш ишлари амалга оширилди. Бу обидаларнинг қуйи қатламларида қайд этилган ашёвий топилмалар Варахшада милоддан аввалги V—IV, Ромуш ва Пойкандда милоддан аввалги IV—I, Қўргони Ромитанда милодий III—IV ва Қўргони Варданзеда эса милодий VI—VII асрларга тегишли бўлиб, уларнинг Бухоро шаҳридан қадимиylиги археологик жиҳатдан ўз тасдиқини топмади.

Хуллас, Бухоро шаҳри ва вилоятида узоқ йиллар давомида кенг кўламда, муттасил ўтказилган археологик тадқиқотлардан тўплланган турли хилдаги ашёвий топилмаларнинг қиёсий таҳлили Бухоронинг 2500 йиллик тарихга эга эканини илмий жиҳатдан тасдиқлаш имконини беради.

1997 йили ЮНЕСКОнинг қарорига асосан Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи дунё олимларининг иштирокида кенг нишонланди. Шу дамларга етиб келишда археологларимизнинг машаққатли изланишларига сидқидилдан кўмаклашган бухоролик барча биродарларга ўз ташаккуримни изҳор қиласман. Бу кунларга етган ва етмаганлар ҳам бор. Ўша изланиш йилларида содир бўлган воқеаларни эслар эканман, Бухорода олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг натижалари билан қизиққан ва ҳар сафар Бухоро вилоятiga келган пайтларида ўз вақтини аямай топилмаларни бирма-бир эринмай кўздан кечирган Шароф Рашидов, шунингдек Қаюм Муртазоев, Абдувоҳид Каримов, Тошпўлат Ҳамид, Сулаймон Муродов, Убайд Асадов, Абдуҳолик Абдураҳмонов ва Вафо Мўминовларининг номларини бирма-бир тилга олиб, яратганинг ўзи уларни раҳматига олган бўлсин, деган ота-боболаримизнинг эзгу ниятли фотиҳаси билан уларнинг руҳини хотирлайман.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Бухоронинг ёшп ҳакида X аср муаррихи	6
Археологик куатишлар, қазишлар ва налашиблар	11
Амударёга қўйилган қадимий Зарафшон	13
Қўши Зарафшон водайсигда ибтидоий маданият излари	16
Қаттатуаконнинг неолит даври овчи ва балиқчилари.	
Дарвозақирликлар чайласи	18
Учтунииг ибтидоий кончилари ва сўнги тони даври шахтаси	22
Сармишкоиниг қадимий суираткаш-овчилари	25
Замонбоболик бободехқонлар маскани	26
Қоракулнииг ибтидоий чорвадорлари	32
Қумработда қазиб очилган энг қадимги кишлоқ	35
Бухоро ёши Афросиёб тенгдоши	39
Бухоронинг қадимги номлари	45
Хотима	50

Абдуллаҳад Раҳимжановиҷ Муҳамеджанов

ГОРОДУ БЎҲАРЕ — 2500 ЛЕТ

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Мұхтаррір. М. Собиқова
Текмухаррір. Л. Тюрина*

ИБ № 6886

Тершілгі берилді. 11.11.98. Босишига рухсат этилді. 4.12.98. Қороз бичими
84×108½. Адабий гарнитура. Юқори босма. Босмахона қорози. Шартты
босма т. 3,78. Хисоб нашриет т. 4,45. 2000 нүкса. 159-буюртма. Келишилған
нарда.

За РФА «Фан» нашриети. 700047. Тошкент, акад. Яҳё Гуломов күласы, 70.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент нитоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродой
кўчаси, 1-йй.